

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Наманган давлат университети
Бошланғич таълим методикаси кафедраси

Болалар адабиёти фанини ўқитишда
бадий образ таҳлиliga ўргатиш

(услубий қўлланма)

Наманган - 2018 йил

Муҳайёхон Ҳамидова

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ФАНИНИ
ЎҚИТИШДА БАДИИЙ ОБРАЗ
ТАҲЛИЛИГА ЎРГАТИШ

(Бошланғич синф ўқитувчилари ва олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси ҳамда мактабгача тарбия факультетлари талабалари учун услубий қўлланма)

Наманган – 2018 йил

Муаллиф: филология фанлари номзоди М.Ҳамидова

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари номзоди, доцент
Н. Улуғхўжаев

Тақризчилар: филология фанлари номзоди, доцент
М.Сулаймонов

«Болалар адабиёти фанини ўқитишда бадиий образ таҳлилига ўргатиш»
мавзусидаги ушбу услубий қўлланма Наманган давлат университетининг
2018 йил 16 майда ўтказилган услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва
№ 10 баённома билан нашр этишга тавсия этилган

М.Ҳамидова.

Болалар адабиёти фанини ўқитишда бадиий образ таҳлилига ўргатиш
(услубий қўлланма).- Наманган.- 2018.-52 б.

К И Р И Ш

Болалар адабиёти сўз санъати ва тарбия воситасидир. Кичкинтойлар учун ёзиладиган ҳар қандай бадиий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос, ёш китобхонларнинг қалбида ўй-фикрлар уйғотадиган, ёрқин образларга бой, юксак ғояларга, улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантирадиган бўлиши керак. Энг муҳими, мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ифодаланиши керак.

Болалар адабиёти фанининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини такомиллаштириш ва уларга тарбиявий таъсир ўтказиш, уларнинг шахсини таркиб топтиришдан иборатдир. Бу вазифани бажаришда дарсларда ўрганиладиган бадиий асарлар, уларнинг ғояси, ундаги образлар муҳим аҳамиятга эга. Чунки бадиий асар, ундаги образлар орқали кишиларнинг ҳаётий тажрибалари, табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар нафис сўзлар билан санъаткорона ёритилган бўлади. Ана шу ҳаётий воқеалар тасвирини ўқувчиларга тўлақонли етказиш, асардаги образлар ва воқеликка ижодкорларнинг қарашларини тушунтириш орқали тарбиявий мақсадлар амалга ошади.

Болаларга мўлжаллаб ёзилган асарларни ўқитишда бадиий образ таҳлилига ўргатиш ана шу мақсадларга эришиш учун ёрдам беради. Шунинг учун бадиий образ таҳлили ҳақида шундай тушунча бериш керакки, ўқувчилар онгида образлар тўлақонли ўз ифодасини топиши зарур. Ҳар бир образ қанчалик ёрқин ифодаланса, ўқувчиларнинг тасаввур ва тушунчалари шунча кенгайди.

Бадиий образлар тил ёрдамида, тилнинг тасвирий ифода воситалари асосида яратилади. Шунинг учун асарни таҳлил қилишда унинг тил хусусиятларини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Лекин бунда асардаги айрим сўзлар ҳақида фикр юритиш етарли эмас. Асар тили ҳақида умумий фикр юритилади.

Ўқувчилар томонидан асарни тўлақонли ўзлаштирилиши фикрлаш ва ижодий ишларни қай даражада уюштирилишига боғлиқ. Ўқувчи асарда фикр юритилаётган образни кўз олдида гавдалантира олиши керак. Чунки ҳар бир асарнинг мазмуни ундаги образлар орқали ифодаланади. Шунингдек, асардаги образлар ёзувчининг ўз фикрларини бошқаларга етказиш воситасидир. Образларсиз асарнинг ғояси, ёзувчининг фикрларини тушуниб бўлмайди. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчиларига бадиий образ ҳақида маълумот бериб,

бадий образларни таҳлил қилишга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур услубий қўлланмада юқорида таъкидлаб ўтилган талаблардан келиб чиқиб, бўлғуси мутахассис бўлмиш талабаларга ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларига болалар адабиёти фанини ўқитишда бадий образ таҳлиliga ўргатиш ишларининг мазмуни ва моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берилган. Бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда мактабгача тарбия ва бошланғич таълим йўналиши талабалари ушбу мавзуга оид дарс билан танишиш жараёнида ушбу қўлланмадан унумли фойдаланишлари мумкин.

I БОБ. БАДИЙ ОБРАЗ

Ҳар қандай санъат асари каби бадий адабиёт ҳам ҳаётни акс эттиради. Ҳаёт эса инсонлар турмуши, уларнинг тирикчилиги, меҳнат фаолияти, кураши, ҳис-туйғулари, кечинмаларидан иборат. Адабиётнинг тасвир мавзуи авваламбор инсондир. Инсон тасвири йўқ жойда бадий адабиёт ҳам бўлмайди. Шунга кўра адабиётшунослик илмида марказий ўринни эгалловчи тушунча ҳам образ тушунчаси ҳисобланади.

Образ тушунчасининг кенг ва тор маънолари мавжуд. Кенг маънодаги образ тушунчаси ижодкорнинг фикр-туйғулари сингдирилган ҳаёт манзарасини англатса, тор маънода бадий асарда акс эттирилган инсон сиймосини ифодалайди.

Ёзувчи ҳаётни бадий образлар¹ орқали тасвирлайди. Шунинг учун ҳам бирор бир бадий асарни ўқиганимизда унда акс эттирилган воқелик онгимизда шу асарда тасвирланган кишиларнинг образлари қиёфасида муҳрланиб қолади. Масалан, ғиёс Комиловнинг «Она сабоғи»² ҳикоясида етти ёшли Заҳириддин ва унинг онасининг маҳорат билан чизилган образлари, ёз фаслининг ўзига хос ажойиб-ғаройиб манзаралари хотирамизда маҳкам ўрнашиб қолади.

Бадий адабиётда инсон образи у яшаётган жамият ва ундаги жараёнлар билан, уни ўраб олган табиат, муҳит, нарса-ҳодисалар билан биргаликда, шулар билан чамбарчас алоқада тасвирланади. Бироқ буларнинг ҳаммаси инсон образини индивидуаллаштирувчи,

¹ Образ – кыриниш, таш=и =иёфа, шакл, жусса, бирор нарсанинг мужассами (тасвири, нусхаси, сурати).

² /аффарова Т., Шодмонов Э., Эштурдиева Г. Ы=иш китоби: 1-синф учун дарслик. - Т.: Шар=, 2003. – Б. 35.

умумлаштирувчи, унга ҳиссий таъсирчанлик бағишловчи ёрдамчи воситалардир. Бадиий тасвир марказида инсон туради. Нарса ва ҳодисалар тасвири ўз-ўзича мустақил бадиий қимматга эга бўлмайди, улар инсонни яққол кўрсатиш, у яшаб турган макон ва муҳитни аниқлаш учунгина керак. Аммо инсон тасвири қанчалик зарур бўлса, нарсалар, муҳит тасвири ҳам шунчалик зарур. Фақат бу тасвир инсон тасвирига бўйсундирилган бўлади.

Ёзувчи воқеликни акс эттирар экан, уни ўзи англаганича талқин қилади. Ҳаёт воқеа – ҳодисалари, одамлар ёзувчининг дунёқараши, маданий – илмий савияси, нияти, орзу – истаги орқали ишловдан ўтиб, шундан сўнггина образлар шаклида намоён бўлади, бадиий асар шаклини олади. қисқаси, ёзувчи ижод жараёнида образларни индивидуаллаштиради, умумлаштиради.

Инсон тасвири аввало, унинг ички дунёсини, кечинмаларини тасвирлаш демакдир. Одам жамиятда яшайди. Инсоннинг кечинмалари жамиятга оид ҳамма масалалар билан чамбарчас алоқадор бўлади. Шундай экан, бадиий адабиёт инсон кечинмаларини барча мураккабликлари билан акс эттириши керак. Бу эса ижодкордан юксак истеъдод ва бадиий маҳоратни талаб қилади. У ҳаётни ва одамларни имкони борича ҳаққоний, ишонарли акс эттириши, у яратган асар одамлар қалбига кучли таъсир этиб, шавқ-завқ уйғотиши, кишиларни эзгуликка, эътиқод ва гўзалликка муҳаббат руҳида тарбиялаши лозим.

Демак, бадиий адабиётда инсоннинг аниқ шахс қиёфасида яратилган, айти пайтда бадиий умумлашма хусусиятига ва ҳиссий таъсир кучига эга бўлган сурати бадиий образ дейилади.

Образлар бош ва эпизодик образларга бўлинади. Асар воқеаларининг бошидан охиригача қатнашиб, ғоянинг очилишида муҳим ўринни тутувчи иштирокчи (персонаж) – бош образ дейилса, воқеалар занжирида бир-икки ўриндагина қатнашиб, кейин тушиб қоладиган персонажлар эпизодик образ дейилади. Эпизодик образлар ҳам воқеаларнинг ривожига муҳим роль ўйнаши мумкин.

Умуман, санъатда бўлгани сингари, болалар адабиётининг асосида ҳам гўзаллик ҳақидаги тасаввур ётади. Гўзаллик ҳақидаги тасаввур замирида эса инсоннинг ўзи, ҳаёт ва жамият ҳақидаги орзу армонлари яширинган. Болалар учун ёзилган бадиий асарлар ана шу орзу армонларни ўзида мужассамлаштирсагина юксак ҳиссий тарбия қувватига эга бўлади.

БАДИЙ ОБРАЗ ВА ОБРАЗЛИЛИК

Санъатнинг образ воситасида фикрлаши унинг специфик, яъни тур сифатида белгиловчи хусусиятидир. Ёзувчи бадий образ воситасида дунёни англайди, ўзи англаган моҳиятни ва ўзининг англонаётган нарсага ҳиссий муносабатини ифодалайди. Шу маънода образ адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли, усули саналади; образлар воситасида фикрлагани учун ҳам адабиёт ва санъатга хос фикрлаш тарзи «образли тафаккур» деб юритилади.

Образлилик – санъатнинг асосий хусусияти, ҳаётни ўзлаштиришнинг ўзига хос шакли ва усули, унинг «тили» ва шу билан бирга, ҳаёт ҳодисалари устидан чиқарган «ҳукми». Бадий образ – образлилик тушунчасининг ўзаги. Образлилик-адабий ижоднинг моҳиятини, умумий хусусиятларини: адабий қаҳрамон, бадий тил, табиат, буюмлар, жисмлар, ҳайвонот дунёси тасвири ва ҳоказоларни ўз ичига қамраб олади. Образ – санъат асаридаги инсон тасвири. Демак, образлилик – кенг маънода, бадий образ – тор маънода қўлланилар экан. Бироқ шуни ҳам эсда тутиш керакки, образ атамасининг ўзи ҳам кенг ва тор маъноларда қўлланилиши мумкин. Кенг маънода қўлланилганда образ тушунчаси доирасида инсон тасвиридан ташқари, пейзаж, деталлар, буюмлар, жисмлар, ҳайвонот дунёси, бадий тасвир ва ҳоказолар тушунилади. «Дўстликнинг хосияти»¹ ҳикоясидаги асосий образ Ибн Сино образидан ташқари унинг отаси, мўйсафид образлари, шунингдек, ушбу асарда қўлланган деталлар, бадий тасвир воситалари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади.

Образ атамасини тор маънода қўлланилганда эса фақат инсон ҳаётининг бадий манзаралари англашилади, холос. Образлилик, айни чоғда бадийлик ҳам демакдир.

Образ атамаси ҳақидаги илк фикрларни машҳур юнон файласуфи Аристотелнинг эстетик қарашларида ҳам учратиш мумкин. Бироқ Аристотель «Поэзия санъати ҳақида» номли асарида «образ» атамаси ўрнида «мимесис» иборасини ишлатган.

«Мимесис» - тақлид демакдир. Бинобарин, олим мимесис (образ) турмушга тақлидан яратилади, деб ҳисоблаган.

¹ Абдуллаева +., Юсупов М., Мащмудова М., Ращмонбекова С. Ё=иш китоби: (Билим бо\и). 2-синф учун дарслик. – Т.: Ё=итувчи, 2002. – Б. 64.

Воқеликни санъат ва адабиётда образлар воситасида акс эттириш ҳақидаги қарашлар Аристотель замонидан буён мавжуд бўлса ҳам, бироқ XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Гегель, В.Г.Белинский каби мутафаккирларнинг асарларида тўлиқ шаклланди.

Дарҳақиқат, «образ» атамаси биринчи марта машҳур немис файласуфи Гегелнинг эстетикага оид асарларида ишлатилган. Бу ҳақдаги жиддий таълимот ҳам ана шу олимнинг қаламига мансуб. Гегель санъат ҳақида фикр юритар экан, «Санъат – образлар орқали фикрлаш» демакдир деб таъкидлаган.

Рус атамашунослигига «образ» атамасини асосан, В.Г.Белинский олиб кирган ва бу таълимотни такомиллаштирган.

Демак, «образ» атамаси рус тилидан олинган бўлиб, ўзбекча таржимада «акс» деган маънони англатади. Масалан, кишининг ойнадаги аксига нисбатан ҳам «образ» деб айтилади. Маълумки, сўзнинг луғавий маъноси билан истилоҳий маъноси фарқланади: луғавий маъно билан истилоҳий маъно орасида туташ нуқталар бўлса-да, мутахассис истилоҳ остида аниқ маънони тушунмоғи лозим бўлади.

Ўзбек адабиётида «образ» атамаси ўрнига XX асрнинг бошларигача «тимсол», «тасвир», «нусха» каби иборалар ишлатилган. XX асрнинг 20-30-йилларида ўзбек атамашунослигига образ атамаси кириб келган.

Умуман, биз «образ» деганда адабиёт ва санъатнинг тафаккур шакли бўлмиш бадиий образни назарда тутамиз.

Бадиий образ борлиқнинг бадиий асардаги акси. Бироқ бадиий образ ўша борлиқнинг оддийгина акси эмас, балки у борлиқнинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган аксидир. Бу аксда борлиқнинг кўплаб таниш изларини топамиз.

Бироқ бу энди биз билган борлиқнинг айна ўзи эмас, балки тамоман янги мавжудлик, бадиий борлиқдир.

Шу ўринда фикрларимизни янада ойдинлаштириш учун мусаввирнинг ижодига мурожаат қиламиз. Мусаввир яратган пейзаж – табиат манзараси тасвири билан «натура»- асарга асос бўлган реал манзара орасида жуда катта ташқи ўхшашликни топишимиз, ҳаттоки, «худди ўзи-я» дея ҳайратланишимиз мумкин. Эҳтимол, ким учундир бу нав ҳайрат мусаввирнинг ижодига берилган юксак баҳо бўлиб кўринар, аслида эса бу каби баҳо санъатни тушунмаслигимиздан

далолат, холос. Яъни биз мусаввир айрича бўрттирган бўёқларни, унинг кечинмаларига «ҳамоҳанг» ранглар жилосини, бизнинг назаримизда аҳамиятсиз кўрингани учун эътибор бермаганимиз, бироқ муаллифнинг назарида муҳим бўлгани учун бўрттириброк берилган чизгини, натурада бўлса-да асарда аксини топмаган ёки бўлмаса асарда акс эттирилган кичкина детални илғай олмаган бўлиб чиқамиз. Фикримизни бошқача тарзда тушунтирадиган бўлсак, образдаги объектив ибтидони кўрганимиз ҳолда, ундаги субъектив ибтидони – асарга сингдириб юборилган муаллифни, яна ҳам очикроқ айтсак муаллифнинг қалбини кўра олмадик. Модомики, бадий образда фақат объектив ибтидонигина кўрар эканмиз, демак, асарни кўрмаган – бадиият ижод ва ўқиш, томоша қилиш ҳамда тинглаш жараёнларидагина мавжуддир. Бундан кўринадики, ҳақиқатда бадий образнинг материали реал воқеликки эмас, балки ижодкор шахсияти ҳамдир. Шу важдан ҳам бир хил мавзунини қаламга олган икки ёзувчи, битта нарсанинг суратини чизган икки рассом томонидан яратилган образлар бир хил бўлмайди¹.

Бадий образнинг хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, биринчи галда, унинг индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлиши хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, воқеликдаги ҳар бир нарса – ҳодисада турга хос умумий хусусиятлар билан бирга унинг ўзигагина хос хусусиятлар мужассамдир. Юқорида образли ва мавҳум тафаккур ҳақида фикр юритганимизда бунга қисқача тўхталиб ўтдик. Гап шундаки, мавҳум тафаккур нарса – ходисанинг умумий хусусиятларига, образли тафаккур эса индивидуал хусусиятларига таянган ҳолда фикрлайди. Дейлик, фан умуман, одам ҳақида (масалан, биолог одамнинг физиологик хусусиятлари ҳақида) сўз юритиши мумкин, бироқ санъат ҳеч вақт инсон образини ярата олмайди. Шу маънода аниқлик бадий образнинг специфик хусусиятларидан бири саналади. Шу ўринда А.Абдураззоқнинг «Боғ»² ҳикояси мисолида фикримизни ойдинлаштирамоқчимиз. Мазкур ҳикоядаги ўрик дарахти образи ўзида катта бадий умумлашмани ташийти ва шу билан бирга, у ўқувчининг кўз ўнгида аниқ бир образ сифатида гавдаланади. Санъаткор умумлашмаган образнинг индивидуал хусусиятларини бўрттириш орқали ўз мақсадига эришади. Масалан, А.қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида қобил бобонинг амин ҳузурига келган пайтидаги тасвирни эсланг. Ёзувчи

¹ +уронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Андижон: Щаёт, 2002. – Б. 210.

² Умаров М., Шакимов Ш. Ы=иш китоби: 3-синф учун дарслик. – Т.: Ижод, 202.-Б. 161-163.

амин ҳақида: «оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бағбақасини осилтириб кулди», «чинчалоғини иккинчи бўғинигача тиқиб кулди» қабилдаги индивидуал белгиларни бўрттиради. Айни шу индивидуал белгиларнинг бўрттирилиши ҳисобига адиб катта бадиий умумлашмага эришади: замона амалдорларига хос бўлган кўл остидаги фуқаронинг тақдирига бефарқликни кўрсатади, яъни амин образи кўз олдимизда индивидуал хусусиятларига эга бўлган конкрет инсон сифатида гавдаланади, айни шу индивидуаллаштириш ҳисобига образ умумлашмаллик касб этади.¹ Кўринадикки, шу тариқа бадиий образда бир пайтнинг ўзида бир-бирига зид икки жиҳат (индивидуаллик ва умумийлик) уйғун мужассамини топган. Бадиий образ ўзида ақл ва ҳисни уйғун бирлаштирадики, шу боис, уни рационал ва эмоционал бирлик сифатида тушунилади. Бадиий образдаги рационал жиҳат шуки, унинг ёрдамида ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадиий идрок этади. 1-4 синф ўқиш китобига киритилган бир қатор асарларда ижодкорлар ўзларини қийнаган муаммоларни образлар воситасида бадиий тадқиқ этадилар, асарлардаги образлар тизими воситасида ўзларининг бадиий фикрлари (туғал бир қараш, тизим ҳолидаги хулоса - концепция) ни шакллантирадилар ва айни шу образлар орқали ўзлари англаган ҳақиқатни бадиий фикр (концепция) тарзида ифода этадилар. Айни пайтда, бадиий асарда яратилган образларда адибнинг ҳиссий муносабати ҳам ўз аксини топган. Ижодкорнинг ҳиссий муносабати бадиий концепцияни шакллантиришда, асар мазмунининг китобхонга етказилишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, образлар тизимидаги ҳар бир конкрет образнинг ҳиссий тоналлиги турлича бўлиб, бу нарса биринчи галда муаллифнинг ижодий нияти билан боғлиқ. Масалан, «Чўпон йигит Широқ»² афсонаси қаҳрамонлари Широққа бир турли, Эрон шоҳи Дорога эса бошқа бир турли муносабатда бўлинади. Яъни ижодкорнинг ўзи характер моҳиятига киргани сари унда қаҳрамонларига нисбатан ҳиссий муносабатда ўзгариш юзага келади. Ҳиссий муносабатдаги ўзгариш афсонани ўқиш жараёнида китобхонга ҳам ўтади ва шу нарса унинг асар мазмунини ижодкор истаганидек тушунишига асос бўлиб хизмат қилади. Кўринадикки, бадиий образдаги рационал ва эмоционал жиҳатларнинг уйғунлиги асар бадиий концепциясининг шакллантирилишида ҳам, ифодаланишида ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга.

¹ +уронов Д. Адабиётшуносликка кириш: Дарслик. – Андижон: ШҶаёт, 2002. – Б. 61.

² Умаров М., Шакимов Ш. Ы=иш китоби: 3-синф учун дарслик. – Т.: Ижод, 202.- Б. 77-78.

Бадиий асарларда мазмун ва маънонинг, мавзу ва ғоянинг бирлигини ўзида ифодаловчи асосий восита образдир.

Санъат асарида ёзувчининг дунёқараши, воқеликни идрок этиши, эстетик диди ва идеали каби қатор хусусиятларни у яратган бадиий образларсиз тасаввур этиш қийин.

Бадиий асар таҳлилида ўқувчи даставвал асосий диққатини асардаги образнинг ҳаётийлиги масаласига қаратади. Шунинг учун образ атамасини тўлиқ аниқлаб олиш керак. Биз бу хусусида ҳам юқорида кенг тўхталиб, фикр юритдик.

Образ деб инсонларнинг ички ва ташқи дунёсини, воқеа-ҳодисаларнинг, ўсимлик ва жониворларнинг, табиат манзараларининг умумлаштириб ва аниқлаштириб тасвирланган, муайян ғоявий-эстетик вазифани бажарадиган тасвирига айтилади.

Образ тушунчаси ўз характери ва мазмунига кўра жуда мураккаб ва айни пайтда кенг қамровли тушунчадир. Объектив воқеликнинг у ёки бу тарзда инсон онгидаги инъикоси кенг маънода образнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам образ атамаси қайси ўринда, қайси маънода ва ижтимоий онг шаклларининг қай бирида қўлланишига қараб, кескин фарқланувчи маъноларга эга бўлади. Инсон ижтимоий онгининг шакллари ўз табиати, вазифаси ва характериға кўра икки катта қисмға: фан ҳамда санъат ва адабиётға ажралади. Шундай экан, фанда ҳам образ мавжуд. Чунки бирор илмий фикрни исботлаш, тасдиқлаш учун олим у ёки бу нарсани, унинг образларини келтиради. Бироқ фандаги образ ҳеч қандай эмоционалликсиз, қуруқ фактографик ва айни пайтда воқеликни аниқ тасвирлашдан иборат бўлади. Чунки фан исботлайди, адабиёт ва санъат эса кўрсатади. Санъат ва адабиётдаги образ воқеликнинг конкрет шахс (ижодкор) тафаккури, ҳиссий олами призмасидан ўтиб, унинг қайтадан бойитилган ҳолдаги тикланиши, жонланишидан иборатдир. Бу мураккаб жараёнда санъаткорнинг эстетик идеали, дунёқараши, руҳий олами, ғоявий позицияси ва ижодий тажрибаси етакчилик қилади, воқелик шу асосда қайтадан жонланади, образли тасвирға эга бўлади. Демак, санъат ва адабиётдаги акс эттириш фаол ва кенг акс эттиришдан иборат. Чунки болалар адабиётидаги ҳар бир образ инсонға, яъни ўқувчиға «қандай бўлиши керак эди, қандай бўлиши лозим» деган нарсани уқтиришға хизмат қилади. Санъат ва адабиётнинг воқеликнинг образлар воситасида акс эттиришининг ижтимоий вазифаси ҳам, тарбиявий кучи ҳам, йўналтирувчилик қудрати ҳам мана шунда кўринади.

Адабиёт ва санъат воқеликни образлар воситасида акс эттирар экан, ҳар бир асарда тасвирланган нарса, предмет ёки иштирок этувчи шахслар кенг маънода образ дейилади. Аммо шунга қарамай, образ атамасини адабиёт ва санъатда бирмунча чегараланган маънода-фақат инсонга нисбатан қўлланилади. Образ атамаси худди ана шу маънода адабиёт ва санъатдаги образлилик тушунчасининг энг муҳим, энг ўзак қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам адабиёт ва санъатдаги қолган барча нарсалар (кенг маънодаги барча образлар) инсон образи учун хизмат қилади. Демак, образ атамасининг конкрет инсонга нисбатан қўлланишига қараб, образ тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: ижодкорнинг ҳаётий кузатишлари асосида шаклланган, унинг бадиий тўқимасида акс этган, маълум ғояни ташувчи инсон ҳаётининг конкрет ва айни пайтда умумлашган тасвири образ деб аталади.

Нарса, ҳодиса ва инсоннинг муайян вазиятдаги характерли ҳолати, хатти-ҳаракати, кайфияти ва ўзига хос хусусиятини ўзида яққол гавдалантирувчи образлар хилма-хилдир: киши образлари, персонажлар, типлар, табиат образлари (пейзаж) ва сўз образлари кабилар.

Образлилик санъатнинг ўзига хос хусусияти, турмушни акс эттиришнинг шаклидир. Санъат, жумладан, адабиёт бу хусусияти билан илм-фандан катта фарқ қилади. У кишиларнинг онгигагина эмас, балки ҳис-туйғусига ҳам таъсир этади. Санъат ва адабиётда бадиий тасвир предмети инсон ва унинг ижтимоий ҳаёти бўлиб, киши образи санъат асарининг марказий ўрнида туради. Бадиий асардаги табиат, буюм ва сўз образлари ҳам киши образини бутун мураккаблиги ва тўлалиги билан очиб беришга хизмат қилади. Зотан, рус ёзувчиси М.Горький таъкидлаганидек, тил характер ва манзаралар яратиш куролидир¹.

БАДИЙ ОБРАЗ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Воқеликни образли тарзда акс эттириш адабиёт ва санъатнинг асосий белгиларидан биридир. Образли акс эттириш алоҳида шахсларда, ҳодисаларда, муайян ҳис-туйғуларда ҳаётнинг умумий, қонуний томонларини кўрсатишни тақозо қилади. Албатта, образли

¹ Щомидий Щ., Абдуллаев Ш., Иброҳимов С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т.: ЁИ=итувчи, 1970. –Б.138.

тасвирнинг бундай мураккаб кўриниши санъатда бирданига пайдо бўлган эмас. Балки у узок тарихий тараққиётнинг маҳсулидир.

Адабиётшунос олим Э.Худойбердиевнинг таъкидлашича, қадим замонларда, ибтидоий жамоа тузуми даврида санъат асосан, айрим ҳодисаларга, ҳаракатларга, шахсларга тўғридан – тўғри таклид қилиш ёки уларнинг ўхшашини юзага келтиришдан иборат эди. Унда айрим ов манзаралари, жанглар, деҳқончилик ишлари, воқеалари бевосита гавдалантирилади. Лекин санъат тараққиётининг энг дастлабки босқичларидаёқ, ҳодисалар, ҳаракатлар ва шахслардаги ҳамма нарсани эмас, балки муайян ҳаёт шароитлари учун зарур бўлган томонларни тасвирлашга интилиш тамойили кўринади.

Антик дунё адабиётида эса айрим шахслардаги умумий томонлар ҳақида, онгли тасаввур шаклланиши кўзга ташланади. Бу тасаввурни назарий жиҳатдан асослаган Аристотель тарихга нисбатан поэзия умумийроқ томонларга боғлиқлигини ёзган эди. Поэзия тарихга нисбатан фалсафийроқдир; поэзияда умумийроқ ҳодисалар ҳақида, тарих орқали эса айрим воқеалар тўғрисида маълумот берилди. қандайдир характерли инсон гапириши ёки қилиши эҳтимол ёхуд зарур бўлган нарса умумийлик ҳисобланади. Антик адабиётда умумийлик дейилганда, муайян ижтимоий гуруҳлар ва йўналишларнинг ўзига хос белгилари тушунилмаган бўлса-да, унинг образлари ўша давр кишилари учун қизиқарли, кенг ёйилган томонларини кўрсатишга уриниш бўлганидан далолат беради.

Адабиётнинг кейинги тараққиётида муайян синфлар, гуруҳлар ва ижтимоий йўналишларнинг ўзига хос белгиларини мужассамлаштирган шахсларнинг тили ёрқинроқ ва тўлиқроқ кўрина бошлайди.

Инсоният тафаккури тараққиётининг буюк ютуқлари туфайли воқеликдаги умумий муҳим ва типик томонларни, ҳодисалар моҳиятини «Ҳаётини шакл»да очиб бериш чинакам бадиий образларнинг асосий хусусиятларидан бирига айланди.

Маълумки, санъат ва адабиётда ҳаёт образлар воситасида акс эттирилади. Санъаткор ҳаётни кузатади, кузатган воқеаларини тафаккуридан ўтказди, уларни қайта ишлаб яна жонли ҳаёт шаклида яратади. Ҳаёт воқеа-ҳодисаларини қайта тиклашда инсон образи ғоятда муҳим роль ўйнайди. В.Г.Белинскийнинг фикрича, «роман ёки типиклик бўлмаса, ҳаёт воқелиги қай даражада тўғри чизилган бўлмасин китобхон ҳаётнинг реал аксини топа олмайди».

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бадиий образ дейилганда, асосан, инсон образи тушунилади ва у адабиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ғоявий – бадиий етук асарлардаги кишиларнинг образи орқали биз муайян бир давр ҳаёти ҳақида кенг ва аниқ маълумот оламиз.

Профессор Л.И.Тимофеевнинг таърифича, «образ – тўқима ёрдами билан яратилган ва эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва айни чоқда, конкрет манзарасидир»¹.

Бу таърифлардан шуни англаш мумкинки, образ деганда инсон ҳаётининг бадиий манзаралари тушунилади. Инсон ҳаётининг бадиий манзаралари деганда эса биз бадиий асарда инсон ҳаёти манзараларини тасвирлаш жараёнида намоён бўладиган хусусиятни тушунамиз.

Образ адабиёт ва санъатда бадиий фикрлашнинг асосий воситаси, ғоявий мазмунни ифода этишнинг муҳим формасидир. Шунинг учун ҳам М.Горький образнинг ўзига хос хусусияти ҳақида кенг тўхталиб «Образ фикрни уюштиришнинг тежамли усули»², деган эди.

Гулханийнинг «Зарбулмасал»и ҳақида фикр юритилганда тасаввуримизда туя, бўталоқ, тошбақа, чаён, кўрқуш, ҳудҳуд каби образлар гавдаланади. Айни вақтда ана шу образлар воситасида инсоний характер, инсонга хос хусусиятлар умумлаштирилган. Демак, образ атамасини фақат инсонларга нисбатангина эмас, балки ҳар хил мажозий тасвирларга нисбатан ҳам ишлатилади. Аммо образ тушунчасининг асосини бадиий асарда тасвирланган инсон – образ, персонаж ташкил қилади. Чунки асарда акс эттирилган шароит, табиат лавҳалари, воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси инсон образини яратишга хизмат қилади.

Бадиий асарда инсон ҳаёти манзараларини тасвирлаш жараёнида намоён бўладиган куйидаги хусусиятларни англаймиз:

1. Бадиий образнинг умумлашмалиги Л.Н.Толстойнинг фикрича, адабиётда маълум бир типни яратиш учун шу тоифадаги жуда кўп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб, бадиий бир бутунликка жамлаш керак. М.Горькийнинг таъкидлашича, ёзувчи бир дўкандор, чиновник ёки ишчи образини яратиш учун жуда кўп дўкандор, чиновник, ишчи ҳаётини ўрганиши, уларнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи характерли хусусиятларни, одатларни ва

¹ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.; Просвещение, 1971. - С. 62-63.

² Шукуров Н., Шотамов Н., Холматов Ш., Мащмудов М. Адабиётшуносликка кириш.-Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 42.

бошқаларни бир образда бера олиши керак. Демак, бадий асар қаҳрамони ҳаётдаги кишиларга жуда ўхшаб кетса-да, уларнинг айна ўзи бўла олмайди. Образ умумлашма натижаси бўлади. Асарда тасвирланган биргина образ замида юзлаб, минглаб кишиларга хос хислат ва белгилар умумлаштирилиб, жамлаб берилади. Мана шунга кўра бадий асарни ўқиганда асарда тасвирланган кишилар ҳаётдаги жонли одамларнинг энг муҳим, типик хислатларини ўзида жамлаган, бадий бир бутунликка йиғилган, синтезланган шакли эканлигини сезиб турамиз. Демак, етук реалистик асарлардаги образларда ҳаётдаги жонли инсонларнинг типик хусусиятлари умумлаштириб кўрсатилади. Бу ўринда А.М.Горькийнинг қуйидаги фикри эътиборга лойиқ: «Бадий адабиёт айрим фактларга бўйсунмайди, чунки у ундан юқоридир, унинг фактлари ҳақиқатдан ажралмагандир.

Адабий факт – бир хилдаги қатор фактлардан суғуриб олинган ва типиклаштирилгандир. Ҳаёт ҳақиқатида такрорланувчи қатор воқеаларни бир воқеада акс эттирилса, шу вақтдагина ҳақиқий бадий асар бўлади»¹.

Рус ёзувчиси Г.Мединский «Қасбимиз ҳақида ўйлар» мақоласида ўзининг «Мария» романини ёзишда қандай қилиб ҳаётдан материал тўплаганини, яратилажак қаҳрамонининг асил нусхаларини қандай қилиб қидириб топганлигини ҳикоя қилади. Чунончи, у романнинг бош қаҳрамони Мария образининг яратилиш тарихи ҳақида тўхталиб шундай дейди:

«Мария»ни ёзиш учун менга ўнлаб колхозлар, юзлаб кишилар билан танишишга тўғри келди.

Мени Мария Ивановна раислик қилаётган колхозга юборишди. У билан танишиш менга роман ёзишим учун ёрдам берди, лекин у барибир мен кидирган Мария эмас эди. У хўжаликни яхши бошқарар эди. Колхозчилар уни қадрлашардилару, аммо севишмасди... У хўжаликни режали олиб борадиган ишбилармон, жуда талабчан, ҳатто инжиқроқ киши эди, бироқ унда ... раҳбар учун зарур бўлган, мўлжалдаги идеалга мос келадиган бошқа сифатларни бошқа кишилардан – Дмитровдаги «Победа» колхозининг раиси Иван Степанович Егоровдан, М.А.Домахина, Е.А. Лепошова, А.М.Глашкина кабилардан олдим.

Бу – типиклаштиришдир. Муаллиф жонли ҳаётда сочилиб ётган нарса ва белгилардан ўз ниятига мос келадиганларинигина танлаб

¹ Горький М.О литературе. – М.: Гослитиздат, 1933. – С. 267-268.

олиб, уларни группалаштиради, бирлаштиради, жипслаштиради – шу асосда образ яратилади»¹.

В.Г.Белинский лирик шеърларнинг қаҳрамонлари (лирик қаҳрамон) ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзган эди: «Буюк шоир ўзи ҳақида, ўз мени ҳақида (лирик қаҳрамони ҳақида – М.Ҳ.) гапирар экан, умум ҳақида – инсоният ҳақида сўзлайди, зотан инсониятга хос ҳамма нарса унинг табиатида мавжуддир. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши унинг ҳасратини, унинг қалбида ўз қалбини топиб олади, унинг қиёфасида эса фақат шоирни эмас, балки инсонни, ўз башарий биродарини кўради»².

Демак, умумлаштириш бадиий образнинг муҳим хусусияти. Умумлаштиришсиз образ яратиш мумкин эмас.

2. Бадиий образнинг конкретлиги ва индивидуаллиги. Адабий асарда тасвирланган бадиий образ умумлашма натижаси бўлмай, айтиш мумкин, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсули ҳамдир. Зотан, адабий қаҳрамон том маънода индивидуаллаштирилган бўлиши зарур, чунки ёзувчи бадиий образни индивидуал хусусиятлари билан кўрсатиш орқали конкретлаштиради, образга жонлилик, ҳаётлилик, табиийлик бахш этади, эмоционалликка эришади, яъни ўқувчининг ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради. М.Горький бу ҳақда тўхталиб шундай ёзган: «Ёзувчи ўз қаҳрамонларига айнан жонли кишиларга қарагандек қараши керак, уларнинг жонли бўлишлари учун эса ёзувчи ҳар бир қаҳрамоннинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзида, жилмайишида, кўз ўйинида ва ҳоказоларда характерли ўзига хос оригинал хусусиятларни қидириб топиб, таъкидлаб кўрсатиши, қайд қилиши зарур. Буларнинг ҳаммасини қайд этиш билан ёзувчи ўзи тасвирлаган нарсаларни китобхоннинг тузукроқ кўриш ва эшитишига ёрдам беради. Мутлақо бир хил одамлар бўлмайди, ҳар бир кишининг ички қиёфасида ҳам, ташқи кўринишида ҳам қандайдир ўзига хослик бўлади»³.

Индивидуаллаштиришнинг асоси – реал ҳаёт. Ҳаётда эса М.Горький айтганидек, одамлар ҳар хил бўлади. Ана шу ҳар хил характерли одамлар адабиётда индивидуаллаштириш орқали ўз ифодасини топади.

¹ Мединский Г. Думы о наших делах // Разговор перед съездам. – М.: Сов.Писатель, 1954.- С. 267-268.

² Белинский В.Г. Собр.соч. в3-томах.-М., 1948.- С. 671.

³ Горький М. Адабиёт шариҳи. – Т.: Бадиий адабиёт, 1962. – Б. 108.

Индивидуаллаштириш бир хил маслак ва ғоядаги кишиларнинг ранг-баранг образларини яратиш имконини беради. Чунончи, бошланғич синф ўқиш дарслигида берилган бадиий асарларда шундай образлар яратилганки, буларнинг ҳам ҳар бирининг ўз қиёфаси, ўз ёши, завқи, характери, таржимаи ҳоли, портрети бор.

Машҳур рус ёзувчиси М.Е.Салтиков–Шчедрин реалистик адабиётнинг муҳим хусусиятларидан бири – инсонни ҳаётда бўлганидек мураккаб, кўп қиррали, ранг-баранг хислатлар эгаси қилиб кўрсатишдан иборатдир, деб таъкидлайди. Унинг уқтиришича, «инсон мураккаб организм»дир. Шунга кўра, адиб инсоннинг ички дунёсини «олдиндан ўйлаб қўйилган» деталлар орқали ифодаламоқчи бўлган, аслида эса «тамомила бир қолипдаги» образлар яратаётган ёзувчиларга қарши кураш олиб борган: образларнинг ранг-баранглиги ҳақидаги талабни халқ ҳаётини жўнлаштириб кўрсатишга қарши кураш билан боғлаган¹.

Образларнинг ранг-баранглиги, эстетик бойлиги, кўп қирралиги ҳаётнинг мураккаблиги тақозосидир. Образларнинг ранг-баранглиги конкрет тарихий вазиятдаги инсон ҳаракатларини ҳаққоний тасвирлаш натижасидир. Бу эса типик шароитни қаҳрамоннинг бевосита интеллектуал олами, хатти-ҳаракатлари, қилиқ-одатлари, муомала-муносабатлари орқали бадиий ифодалаш демакдир. Ёзувчи ранг-баранг образларни яратишда ҳар бир образни кўп қиррали, такрорланмас хислатлар соҳиби сифатида кўрсатишда, албатта, ҳаёт ҳақиқатига асосланади. Акс ҳолда, турмуш диалектикасини, ҳаёт эволюциясини бузиб кўрсатувчи схематик образлар яратиладики, бундай образлар китобхоннинг қалбига йўл топа олмайди. Бадиий етук образлар яратилган асарлар эса ҳақиқатан ҳаёт ва ҳаракатларни ўз ичига олади. Шундай асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари китобхоннинг қалб кўзгусида нақшланиб қолади, уни эстетик жиҳатдан бойитади.

Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган нарсалардан бири бу инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида қуёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади. Шунга кўра, санъат асаридаги ҳар бир шахс – тип ва шу билан бирга, тамомила аниқ шахсдир. Таъкидлаш

¹ Шчедрин Н. (М.Е. Салтыков). Полн. собр.соч., Т. 5. – М.: Гослитиздат, 1937. - С. 164.

лозимки, агар образ конкретлаштирилса, индивидуаллаштирилса-ю, етарли даражада умумлаштирилмаса, у типик бўлмайди, балки ўқувчи учун зерикарли бир натура бўлиб қолади. Шунингдек, образ умумлаштирилса-ю, конкретлаштирилмаса, индивидуаллаштирилмаса, мавҳум, жонсиз, бир зумда эсдан чиқиб кетадиган схемага айланиб қолади.

3. Бадий образда тўқима.

Тўқима деганда, ёзувчининг турмуш ҳодисаларини кузатиши ва ўз тажрибалари асосида айнан ҳаётда бўлмаган, лекин бўлиши мумкин бўлган воқеа ва кишилар образини ижодий ҳаёл билан яратиши тушунилади. Бадий тўқима ёзувчининг турмуш воқеаларини чуқур ўрганиш асосида образлар яратиш учун хизмат қилувчи жуда муҳим бир воситадир.

Образда ҳаётий умумлашмаларни индивидуал шахс белгилари, инсон ҳаётининг конкрет манзаралари орқали ифодалашни тақозо қилар экан, бундай мураккаб ижодий жараённи бадий тўқимасиз, ижодий фантазиясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Умумлаштириш санъатнинг умумий қонунияти – умумлашмасиз ҳеч қандай бадий образ яратилмайди. Бу ҳақда рус ёзувчиси М.Горький кенг тўхталиб «Бадий адабиёт ҳодиса ва характерларни типиклашни, «ўйлаб топиш»ни, тўқимани талаб этади»¹ - деб ёзган эди.

Агар бадий тўқима ҳаётий воқеаларга асосланган бўлса, у мукамал образларни яратишга, образларнинг хатти – ҳаракати ва ҳис-туйғуларини тўлароқ очишга ёрдам беради. Бадий тўқима туфайли бу образлар худди ҳаётда бўлган кишилар каби гавдаланади. Бу хусусда рус ёзувчиси М.Горький қуйидагича фикр юритади:

Кузатиш, ўрганиш ва билиш кифоя қилмайди, шу билан бирга, «ўйлаб чиқариш», яратиш ҳам керак. Ижод – кўплаб майда – чуйдаларнинг у ё бу даражада тугал формага кирган бир бутунга бирлашишидир... Тўқимасиз «бадийлик йўқ ва бўлолмайди».

Адабиётда «... бадий тўқима қанча кўп бўлса, шунча яхши, - деган эди. Алексей Толстой. – Лекин бадий тўқимани шундай амалга ошириш керакки, ундан ўқувчида чинакам турмуш ҳақиқати деган таассурот қолсин. Ёзувчи бадий тўқимасиз яшай олмайди. Зотан, бутун адабиёт бадий тўқималардан иборат, чунки турмуш ҳодисалари замон ва макон ичида сочилиб ётибди. Масалан, бир одамни олайлик: у ўзининг моҳиятини, табиатини очиб берадиган бир

¹ Русские писатели о литературном труде. Т.4.-М.: Сов.Писатель, 1956. – С. 59.

сўзни бугун айтса, иккинчисини бир ҳафтадан, учинчисини бир йилдан кейин айтиши, балки ҳеч бир айтмай ўтиб кетиши мумкин. Ёзувчи ана шундай одамни кетма-кет сўзлатади. Унинг моҳияти ва табиати учун характерли сўзларнинг ҳаммасини айттиради. Бу эса турмушни бадий тўқималар воситасида акс эттириш бўлади. Аммо бадий тўқимадаги ҳаёт оддий турмушдан кўра реалроқ ва тўлароқдир».

Бадий тўқима ҳаётнинг факт билан қўшилган, уйғунлашган пайтидагина чинакам умумлашма – бадий образ вужудга келади.

Бадий тўқима ёзувчининг ҳаётга фаол муносабати натижасида юзага келади. Ёзувчи бадий тўқима ёрдамида конкрет одамларда мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатлар ва имкониятларнинг ҳали рўёбга чиқмаганларини ҳам ҳаёлан рўёбга чиқариб тасвирлайди, ҳаётнинг фактини ўз ижодий мақсадига мувофиқ равишда ривожлантириб, ўзгартириб кўрсатади. Бадий тўқимани уйдирмадан, ёлғондан фарқлаш керак. Уйдирма ўқувчини ишонтирмайди, унга ҳаёт ҳақиқати тўғрисида сохта маълумотларни беради. Бадий тўқима эса ёзувчининг ҳаётдан олган ҳаққоний таассуротларига асосланади, унинг самимий ҳис-туйғулари ва теран фикрлари билан йўғрилади, санъаткорнинг ўзига хос истеъдоди ва маҳорати туфайли ўқувчининг маънавий дунёсини бойитади.

Конкрет тарихий шахсларга бағишланган адабий асарларда бадий тўқима бир қадар камроқ ишлатилади. Масалан, бошланғич синф ўқиш дарслигида Алишер Навоий ҳақидаги асарларда ижодкорларнинг ҳар бири тарихий ҳақиқатга содиқ қолгани ҳолда масалага ўзига хос тарзда ёндашганини кўрамиз. Бу ҳолни бошқа тарихий асарларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Бадий тўқима ҳаётнинг типиклаштириб тасвирлаш усули сифатида қўлланилади. Ёзувчи ижодий фантазияга, ҳаёлга, бадий тўқимага қанча бой бўлса, у яратган образлар шу қадар ҳаққоний, ҳаётнинг, мукамал бўлади. Демак, бадий тўқима қаҳрамон образини яратишда муҳим аҳамият касб этар экан.

4. Бадий образнинг эстетик таъсирчанлиги.

Бадий образ ҳар бир ўқувчида албатта қандайдир эстетик ҳиссиётни уйғотиши керак. Чунончи, ҳаётдаги хунукликни акс эттирган бадий образ ўқувчида нафрат уйғотса, гўзалликни, нафосатни ифодалаган образ эстетик завқ-шавқ беради. Ёзувчи бадий образ орқали эстетик идеални ифодалайди: идеал ижобий образда бевосита, салбий образда билвосита ифодаланади. Ёзувчи ҳар

бир образга эхтирос билан ёндашиши унга фаол муносабатда бўлиши лозим. Шунга кўра, у ёки бу нарсани ўқиганимизда биз ҳам бадиий образ фаолиятига бефарқ қарай олмаймиз: улардан ё завқланамиз ёки нафратланамиз. Бу хусусида услубий қўлланмамизнинг кейинги қисмларида тўхталамиз.

Профессор Л.И.Тимофеев «Адабиёт назарияси асослари» дарслигида образларнинг таъсирчанлигига санъат тарихидан қуйидаги мисолларни келтирган: сахнада полякларнинг австралияликлар устидан қозонган ғалабасини акс эттирувчи спектаклни намойиш қилинади. Воқеа давомида сахнага асирларни, яъни австралияликларни олиб кирилади. Шунда аскарлар асирларни (актиёрларни) қатл этишни талаб қилишади, бу талаб бажарилмагач, аскарларнинг ўзлари асирларни, яъни актиёрларни ота бошлайдилар. Булар, албатта, образларнинг таъсирчанлиги самарасидир.

Демак, ўқувчига эстетик таъсир кўрсатиш бадиий образнинг ғоятда муҳим хусусиятидир. Бу хусусиятсиз образни тасаввур қилиб бўлмайди. Образнинг эстетик – тарбиявий қиймати ҳам ана шунда. Шу ўринда яна бир хислатни таъкидлаш жоиз. Бу шундан иборатки, асардаги ҳар бир образда муайян бир ғоя – фикр ифодаланган бўлиши лозим. Бу ғоя ҳам ўткир ва таъсирчан бўлиши шарт. ғоясиз образ – жонсиз тана. Шу ваздан ёзувчи образ яратишнинг бу қиррасига ҳам жиддий эътибор бериши шарт. Хуллас, «минг хил жараёнлар натижасида конвейрдан чиқадиган машина каби образ ҳам аниқ ва ёрқин, тугалланган фикрлашнинг натижаси сифатида мураккаб жараёнлар асосида юзага келади»¹.

Бу таърифлардан шуни англаш мумкинки, образ деганда инсон ҳаётининг бадиий манзаралари тушунилади. Инсон ҳаётининг бадиий манзаралари деганда эса биз адабий асарда инсон ҳаёти манзараларини тасвирлаш жараёнида намоён бўладиган юқорида кенг тўхталиб, таҳлил қилганимиз қуйидагича тўрт хусусиятни англаймиз: а) умумлашмаллик; б) конкретлик, индивидуаллик; в) бадиий тўқимадан фойдаланиш; г) тасвирда таъсирчанликка эришиш. Умуман, булар бадиий образнинг асосий хусусиятлари бўлиб, уларни шартли равишда алоҳида-алоҳида кўздан кечириш бадиий образ тузилишини, табиати ва вазифасини англашга ёрдам беради.

Адабиётшунос олим Д.куроновнинг таъкидлашича, бадиий образнинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг метафориклиги

¹ Толстой А. О литературе. – М.: Сов писатель, 1956. - С. 228.

саналади. Бу ўринда «метафориклик» ни кенг маънода тушуниш, уни «ўхшашлик» нинг ўзи билангина боғлаб қўймаслик лозим. Яъни «метафориклик» деганда бадиий образнинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиш, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади. Чинамакам санъаткор нигоҳи моҳиятга қаратилган бўлиб, у воқеликдаги нарса – ҳодисаларнинг барчамизга кўриниб турган ташқи ўхшашлиги эмас, бизнинг нигоҳимиздан яширин ички ўхшашлигига таянган ҳолда фикрлайди. Санъаткор биз учун кутилмаган ички ўхшашликни инкишоф этадики, натижада ўша биз билган нарса – ҳодиса кўз олдимизда буткул янгича бир тарзда суратланади, ўзининг бизга ноаён қирраларини намоён этади. Масалан, мусаввир ижоди ҳақида, рангтасвир санъатининг ўзига хослиги ҳақида ҳаммамиз ҳам маълум бир тасаввурга эгамиз. Шоир Х.Даврон эса бу ҳақда шундай ёзади: «Мусаввир бўлмоқ эрсанг тилингни суғуриб ол ва ярадан тўкилган қон рангига қулоқ сол». Албатта рангтасвирда ранглар «гапириши» ҳаммамизга маълум, бироқ айни шу фикрни «гапираётган қон ранги» образи орқали берилиши кашфиёт, метафорик фикрлаш натижаси ва худди шу нарса бизни ҳайратга солади, шууримизга муқим ўринлашади. Моҳиятга қараган санъаткор қобиғига ўралиб яшаётган одам билан сассиқ кўлмакдаги тилла балиқча ёхуд ўзида чексиз куч қудрат сезгани ҳолда мақсаддан мосуво яшаётган одам билан бемақсад учиб юрган бургут орасида (А.Орипов), турғунликнинг биқик муҳитида яшаётган зиёли билан бир издан бетўхтов юраётган трамвай (А.Аъзам) ёхуд шоир билан ваҳший қоялар орасида қуёшга оппоқ гул узатганча нафис чайқалаётган наъматак (Ойбек) орасида ўхшашликларни топади, бирининг моҳиятини иккинчиси орқали очиб беради. Келтирилган мисоллардан кўринадики, образли тафаккурда юксак даражада ассоциативлик кузатилади.

Маълумки ассоциативлик умуман, инсон тафаккурига хос нарса. Зеро, ташқи олам таъсирида онгимизда бирор нарсанинг акси пайдо бўлиши ҳамано у билан боғлиқ ассоциациялар ҳам уйғонади. Масалан, «қиш» дейилиши билан ҳаёлимизда ассоциатив тарзда «қор», «совуқ», «пўстин», «чана» каби у билан боғлиқ тушунчалар уйғонади. Образли тафаккурни юксак даражада ассоциатив дейишимизнинг сабаби шундаки, реалликда кўрилган бир нарса санъаткор ҳаёлида бутунлай бошқа бир нарсани, у билан мутлақо алоқаси бўлмаган нарсани уйғотиши мумкин. Шу боис ҳам санъаткор юқоридагича ўхшашликларни топади ва уни бадиий образда акс

эттирадики, натижада ўша образ ҳам юксак даражадаги ассоциативлик касб этади. Бадиий образ якмаъно бўлолмайди, кўп маънолик унинг табиатига хос яна бир муҳим хусусиятдир. Бадиий образнинг кўп маънолилиги, аввало, унинг ассоциативлиги билан боғлиқ ҳолда изоҳланади. Буни айниқса, ассоциативлик даражаси юқори бўлган рамзий образлар мисолида яққол кўришимиз мумкин. Масалан, Ойбекнинг машҳур «Наъматак» шеърини олайлик. Ундаги табиат манзарасини образ деб олсак, табиийки, унинг биринчи маъноси табиат манзарасининг ўзи. Ҳолбуки, шоир ўз вақтида шу манзарада ассоциатив равишда тоталитар тузум шароитидаги ижодкор тақдирини кўрган ва шу маънони образда ифодалаган. Айни пайтда, мазкур образнинг маъно кўлами шуларнинг ўзи билангина чекланмайди: ўқувчи ўз ҳаётининг тажрибаси, шеърини ўқиш пайтидаги рухий ҳолати билан боғлиқ равишда бу образда тамомила бошқа мазмунни, ўз мазмунини ҳам топиши мумкин бўлади. Айтиш керакки, кўп маънолилиқ нафақат рамзий, балки том маънодаги реалистик образларга ҳам хосдир. Фақат бунда энди кўп маънолилиқнинг юзага келиш механизми ўзгачароқ. Гап шундаки, санъаткор бадиий образ орқали ифодаламоқчи бўлган фикрини охиригача тугал айтмайди (яъни ўқувчининг оғзига чайнаб солиб қўймайди), образнинг айрим чизгиларини узук-узук чизиклар (пунктирлар) билан тортади. Яъни санъаткор образда маълум имкониятларни яратади-да, уларни рўёбга чиқаришни ўқувчига қолдиради. Бу хил имкониятлар, айниқса «объектив тасвир» йўсинидан борган ёзувчи холис кузатувчи мавқеида турган асарларда кучли намоён бўлади. Гарчи асарда тасвирланган нарса битта бўлса-да, ўқувчиларнинг ижодий тасаввур имкониятлари, дунёқарашининг фарқлилигидан конкрет образ уларнинг онгида турлича аксланади, турли хулосаларга олиб келади. Шу боис ҳам ўқувчилар тасаввурини минглаб Широк, Тўмарислар яшайди. Бадиий образга хос айни шу хусусият туфайли ҳам асарни турли даврларда турлича ўқиш, унинг замиридан янги-янги маъноларни очиш имкони яратиладики, айни шу хусусият чинакам санъат асарини боқийликка дахлдор этади¹.

Турмуш манзарасини кўрсатмай туриб, санъат ўз мақсадига эриша олмайди. Маълум бўладики, бадиий образнинг ўзига хос белгиларга бойлиги тасвирланаётган нарса-буюм, ҳодиса ёки кишиларга хос хусусиятларнинг барчасини кўрсатишни эмас, балки

¹ +уронов Д. Адабиётшуносликка кириш. -Андижон: Шчаёт, 2002. – Б. 62-64.

улардан алоҳида ажралиб турувчиларини, уларнинг моҳиятини очиб берадиганларини жамлашни англатади. Аммо бу фикрни ҳам жуда кенг маънода тушуниш керак эмас, чунки бадиий асарлардаги айрим персонажларга хос баъзи белгилар учун характерли бўлмаслиги, фақат такрорланмас, фавқулодда томонларни алоҳида ажратиб кўрсатишга хизмат қилиши мумкин.

Адабий образларда нарса ёки ҳодисаларнинг нусхаси эмас, балки уларни бадиий равишда тадқиқ этишнинг натижалари мужассамлашган бўлади.

Баъзи адабиётшунослар образлиликни ёрқинлик тушунчаси билан тенглаштириб кўядилар ва «ҳаётий шакл» фақат бизга аниқ кўриниб турган нарсаларни акс эттиришнинг ўзи билангина чекланмайди. Лирик шоир томонидан ифодаланган ҳис-туйғулар, эпик ёки драматик асар қаҳрамонлари томонидан илгари сурилган фикрлар ёрқин ҳолда кўзга кўриниб турмайди, бироқ улар санъаткорнинг фикр-туйғулари билан уйғунлашиб кетган ҳолда китобхоннинг онгига ва қалбига худди кўриниб турадиган нарсалардек таъсир ўтказа олади. Лирик поэзия ўқувчига, асосан худди шундай таъсир кўрсатади, чунки унда баъзан яққол кўринадиган образлар учраса-да, ҳис-туйғулар ва фикрларнинг ҳиссий ифодаси етакчилик қилади. Масалан, ўқиш дарслигидаги баҳор фаслига оид шеърлар билан танишгач, ундан ўқувчилар ҳаётда баҳор фасли бошланиб, табиат гулга бурканганини, олам гўзаллашганини билиб оладилар. Натижада ўқувчиларнинг қалбида нозик кечинмалар туғилади. Ушбу мавзуга оид шеърини мисраларда табиат гўзаллашгани оқибатида шоирнинг руҳий дунёсида юзага келган кўтаринки мушоҳадалар билан танишадилар. Улар ҳам ўқувчилар онгига ва қалбига кучли таъсир ўтказади: шоирнинг ўйларини ўқувчилар қайтадан идрок этгандек ва ҳис қилгандек бўладилар. Шу сабабли уларнинг маънавий дунёсида янги-янги ўй-фикрлар туғилади.

1.3. ОБРАЗ, ПЕРСОНАЖ, ХАРАКТЕР, ТИП.

Маълумки, адабиётшунослигимизда қўлланилаётган «образ», «характер» ва «тип» атамалари англатадиган тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Улар бадиий асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг тасвирини англатади. Лекин айтиш мумкин, уларни айнан бир нарса деб тушунмаслик керак. «Образ» деганда асарда

катнашувчи барча қаҳрамонлар ҳаёти тасвири (асар сюжетида ҳар хил «юк» ташувчи шахслар – бош қаҳрамон, асосий образ, эпизодик образ) тушунилади. Асарда ирода йўналиши ва индивидуал руҳий хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи, асар сюжетида «катта юк» ташувчи шахсларгина характер бўлса, ижтимоий гуруҳ ёхуд синфнинг муҳим хусусиятларини ифодаловчи даврнинг катта умумлашмаси бўла оладиган характер адабий тип деб юритилади. Оғзаки ва ёзма нутқда «персонаж», «образ» атамалари бир-бирининг синоними сифатида қўлланаверади.

Биз юқорида «образ» атамаси хусусида батафсил маълумот бериб ўтдик. Шу ўринда «характер», «персонаж», «тип» атамалари хусусида ҳам маълумот бериб ўтишни ўринли деб билдик.

Характер (юнонча *charakter* сўзидан олинган бўлиб, белги, алоҳида хусусият, ўзига хослик каби маъноларни ифодалайди)-маълум ижтимоий фаолият типи. Бадиий ижодда индивидуал хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукамал тури. Адабий характер реал ҳаётий инсон характерининг кўчирмаси эмас.

Л.И.Тимофеев таъкиблаб ўтганидек, «Характер шаклланган, тайёр ҳолда кўрсатилади. Акс эттирилайдиган воқеагача характернинг қандай бўлганлиги, у тугагандан сўнг қандай бўлишлиги тасвирланмайди ёки йўл-йўлакай айтиб ўтилади»¹.

Ёки характер, Л.И.Тимофеев айтганидек, образнинг ядроси. Характер, биринчи навбатда, конкрет ҳаётий шароитда ўз индивидуал хатти-ҳаракатлари ва руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвири. Умуман айтганда, қаҳрамоннинг муҳим хусусиятларини аниқлайдиган асосий белгилар мажмуи характер деб юритилади.

Баъзи бир адабиётларда характернинг моҳиятини аниқлайдиган қуйидаги асосий хусусият кўрсатилади: «шахс ирода йўналишини кўрсатувчи нарса характерни белгилайди»².

Н.Погодиннинг уқтиришича, «агар одам бурнини қашиса ё қашимаса, секин ёки тез юрса шу билан характер бўла бермайди, характер шахс иродасининг юзага чиқиши, ҳаракатда ифодаланиши»³. Демак, характер, энг аввало, шахс иродаси, ўша ироданинг йўналиши, унинг юзага чиқиши ва ифодаланиши билан

¹ Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд.-Т.: Фан, 1991. – Б. 71.

² Аристотель. Поэтика. – М.: Гослитиздат, 1957. – Б. 60.

³ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 52.

белгиланади. Шахсинг ирода йўналиши муҳитнинг шахсга фаол муносабати ва аксинча, шахсинг муҳитга муносабатидан пайдо бўлади. Шунингдек, хулқ-атвори белгилайдиган индивидуал руҳий белгилар: мардлик, кўрқоқлик, инсофлилик, инсофсизлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ишёқмаслик, дангасалик каби руҳий хусусиятларсиз характерни тасаввур қилиб бўлмайди.

Бадий асарда характерни белгиловчи руҳий хусусиятлар шахсинг индивидуал жиҳатларини аниқлашга хизмат қилса, шахсинг ирода йўналиши унинг умумлашмалигини аниқлашга кўмак беради. Характер шу даражада мукамаллик касб этадики, натижада у «худди ҳеч қандай улоқсиз ва кўшимчасиз яхлит бир» маъдандан ясалгандай туюлади кишига. «Унинг бутун ҳаёти шундай яхлитликдан, бирликдан иборатки, бу яхлитлик ва бирлик санъат оламида бадий ижоднинг юксак фазилатидир»¹. Ҳақиқатан ҳам характерни белгиловчи бу иккала хусусият баайни бир медалнинг икки томонига ўхшаб кетади.

Кишиларнинг хулқ-атвори ва хислатлари уларни ўраб олган ижтимоий муҳит, оила ва мактаб тарбияси таъсирида шаклланади, ўсади, ўзгаради. Демак, бадий асарда индивидуал хусусиятлари билан яққол гавдалантирилган, тўла ва аниқ тасвирланган киши образига, яъни бадий ижодда индивидуал хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукамал турига характер дейилади. Адабий характер реал ҳаётининг инсон характерининг кўчирмаси эмас. Бадий адабиётдаги характер нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ҳам реал ҳаётининг, ҳам ижодкор фантазиясидаги, идеалидаги тасаввурларни мужассамлаштирган бўлади. Шунинг учун ижодкор характер воситасида воқеликка муносабатини билдира олади, яъни уни ё инкор этади, ё тасдиқлайди. Характернинг мана шу имконияти туфайлигина адабиётнинг ҳаётининг тарбиявий қудрати юксакдир.

Характер тушунчаси тарихан ҳам ўзгарувчан, ҳам ўзгармас категориядир. Унинг ўзгармаслиги, барқарорлиги шундаки, бадий асарларда яратилган ҳар бир характер индивидуал характердир. Характернинг ўзгарувчан категориялиги шундаки, у жамият тараққиёти, бадий тафаккурнинг ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда тобора мураккаб, серқирра бўлиб мукамаллашиб боради. Бу ҳол ўз навбатида характер яратиш усул ва имкониятларининг ривожини билан

¹ Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Т.: Ўздавнашр., – 1955. – Б. 441.

боғлиқ. Масалан, халқ эпосида характер ижтимоий идеал асосида яратилган бўлса, ҳозирги давр адабиётида индивидуал хусусиятларга бой, такрорланмас ҳолда яратилади.

Характер яратишда ижодий методлар ўзига хос усул ва тамойилларга эгадир. Масалан, романтизм ижодий методида характер ижодкорнинг ҳаёли, орзу-истаклари асосида, реализм ижодий методида эса реал ҳаётнинг талаб ва ижодкор идеали асосида яратилади.

Бадиий адабиётдаги образ ва характер тушунчаларини ҳеч вақт аралаштириб юбормаслик керак, чунки образ характерга нисбатан кенг тушунча бўлиб, характер ҳар томонлама мукаммаллашган, турли хусусиятлари аниқ кўриниб турган индивидуал хусусиятлари кашф этилган образдир. Ҳар қандай образ характер бўла олмайди, лекин ҳар қандай характер образ саналади.

Умуман олганда, асарда мукаммал тасвирланган образларгина характер даражасига кўтарила олади. Характер – бу аниқ ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган образ¹. Шунингдек, ҳар қандай характер ҳам адабий тип бўла олмаслиги мумкин. Характернинг энг мукаммал шаклигина адабий тип даражасига кўтарилган бўлади.

Тип (юнонча *typos* – нусха, тамға; намуна, образ) – аниқ ирода йўналиши, индивидуал рухий хусусиятлари билан маълум бир синф ёхуд гуруҳнинг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирган шахслар образидир. Адабий тип-муайян тарихий шароитдаги жамиятнинг бутун бир синфи ёхуд бутун бир тоифасига мансуб бўлган кишиларнинг типик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мукаммал бадиий образдир. Санъат асаридаги мукаммал образларгина характер бўлса, чуқур ва ҳар тарафлама пухта ишланган характерларгина адабий тип бўла олади. Ўқиш дарслигида берилган асарлардаги кўплаб реалистик образлар адабий типлардир. Л.Н.Толстой айтганидек, маълум бир типни яратиш учун бир тоифадаги жуда кўп кишиларни кузатиш керак. А.М.Горькийнинг фикрича, санъаткорнинг ҳаёли бой, ўйлаб чиқариш қобилияти зўр бўлиши керак. Ёзувчи ўзига таниш бирорта образни яратиш учун айнан ўша инсонга ўхшаш, у мансуб бўлган тоифага, касбга дахлдор бўлган кишиларни ўрганиши, уларнинг ўзига хос қиёфасини

¹ Ўшшононов М. Шаёт ва машорат. – Т.: Ўзадабийнашр, 1962.-Б. 12-16.

белгиловчи характерли хусусиятларини, одатларини ва бошқаларни бир образда бера билиши керак.

«Тип, - деб таъкидлайди М.Горький, бу бирон ижтимоий тоифага мансуб кишиларга хос бўлган жуда кўп айрим белгиларнинг синтезидир»¹. Бироқ фақат, «синфий белгилар»нинг ўзигина жонли, мукамал образни, конкрет характерни яратишга етарли имкон бермайди.

Адабий тип аллақандай механистик жамланган «ғоялар комплекси эмас, балки аниқ характерга, тақдирга, шахсий ҳис – туйғуларга, одат, қилиқ, портрет, дид ва бошқа индивидуал белгиларга эга бўлган жонли шахсдир. Масалан, Ойбекнинг «Навоий» романидаги Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Мажиддин ва бошқа образларнинг ҳар бирида «синфий белгилар» ҳам, ижтимоий ахлоқни белгилайдиган фазилатлар – индивидуал белгилар ҳам мужассамлашган.

Ҳар бир адабий тип, айти чокда, характер ҳамдир. Ҳаётни бадиий тадқиқ этиш ва акс эттириш адабиётда характер ва типларни яратиш орқали амалга ошади.

Адабий типларнинг умумлаштирувчи кучи шунчалик каттаки, улар кейинги замонларда катта социал ва психологик ходисаларнинг мужассами бўлиб, халқлар онгига кирадилар. Масалан, биз бугун ҳам халқнинг манфаати учун ўз меҳнатини аямайдиган кишини ифодаламоқчи бўлсак, уни «Фарҳод» деб атаймиз. Фирибгарларни эса Хлестаков номи билан боғлаймиз ёки бирор шахснинг зўравонлигини айтмоқчи бўлсак, унинг Хисрав билан ўхшашлигини эса оламиз. Инсониятнинг бахт йўлини кўрсатиб берган кишини биз Прометей деб атаймиз.

Шундай қилиб, типлар ҳаётдаги кўпгина умрбоқий ходисаларнинг турдош номи бўлиб қолади. Адабий типлар ҳаётий ходисаларнинг энг умумлашган ва ёрқин тасвири сифатида доимо катта ғоявий эстетик қимматга эгадирлар. Ёзувчи томонидан яратилган тип – олий маҳорат намунасидир. Типдаги умумийлик ундаги индивидуалликни йўққа чиқармайди, ҳақиқий бадиий асардаги ҳар бир шахс тип бўлиши билан бирга, тамомила муайян бир шахсдир.

Бадиий асарларда образ – персонаж ва пейзаж образи тушунчалари мавжуд. Бадиий адабиётда кишилар образи (образ

¹ Горький М. Адабиёт шариҳи. – Т.: Ўзбекистонда адабиёт нашри, 1962. – Б. 197.

персонажлар) асосий ўринни эгаллайди. Бадиий адабиёт инсоншуносликдан иборат экан, шубҳасиз, ёзувчилар образ – персонажларга алоҳида эътибор берадилар.

Персонаж лотинча *persona* – шахс сўзидан олинган бўлиб, куйидаги маъноларни ифодалайди: 1. Бадиий асарда иштирок этувчи шахсларнинг жами. 2. Асарда иштирок этувчи иккинчи даражали шахслар.

Демак, персонаж бадиий асарда қатнашувчи киши бўлиб, бундай образлар асардаги воқеалар ривожда у қадар муҳим роль ўйнамайди.

Кишилар образининг ғоявий ва бадиий таъсирчан чиқишининг биринчи шarti унинг «жонли» кишилар сифатида тасвирланишидир. Ёзувчи образ-персонажга жонли шахс сифатида ёндашиб, унинг индивидуал хусусиятларини кўрсатиб беради.

ПЕРСОНАЖ НУТҚИ.

Ҳаётда ҳар бир одамнинг тили, сўзлаш тарзи унинг қандай турмуш кечирганлиги, маданияти, онги, руҳияти ҳақида маълум тасаввур беради. Шунга кўра, бадиий асарлардаги қаҳрамонларнинг нутқлари, сўзлаш тарзлари ҳам турли-туман, ўзига хос бўлиб, улар характерининг мазмунини англашда муайян вазифани ўтайди. Ёзувчилар қаҳрамоннинг сўзлаш тарзини, ўзига хос оҳангини қисқа ва лўнда жумлалардан ташкил топган суҳбатлар, диалоглар, монологлар орқали тасвирлашга, қаҳрамон характеридаги белгиларнинг шаклланишини унинг нутқи орқали акс эттиришга алоҳида эътибор берадилар.

Одатда, шахслар нутқи уларни қуршаган шароит билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Шароит кўпинча персонажлар сўзининг аҳамиятини оширади, мазмунини чуқурлаштиради, муайян вазиятда персонажнинг гапириши шарт экани психологик жиҳатдан асосланади.

Демак, ёзувчилар персонажларнинг нутқи орқали уларнинг ўзига хос хусусиятларини, руҳий дунёларини, яшаш тарзларини, характерларининг мантиғини, муайян шароит учун муштарак томонларини очиб берадилар. Шунга кўра персонажлар нутқи қаҳрамонларни алоҳидалаштириш воситаси ҳисобланади.

Персонажлар нутқи бадий асарларда уларнинг ўзаро сўзлашувлари, яъни диалоглар ёки бошқаларга қаратилган сўзлари, ички суҳбатлари, яъни монологлар шаклида кўринади.

Бадий асардаги персонажларнинг ўзаро сўзлашуви, суҳбати диалог дейилади. Драматик асарлар бутунича диалоглардан иборат бўлади. Эпик асарларда ҳам диалогларга анча кенг ўрин берилади. Лирик – эпик ва айниқса, лирик асарларда эса диалог кам қўлланилади. Лирик асарлар кўпроқ монологлардан иборатдир.

Диалог персонажларнинг ўзаро муносабатларини, характер қирраларини, руҳий дунёларини ва умуман, асарнинг мазмунини очишда муайян вазифани адо этади.

Бадий асарда персонажнинг бошқаларга қарата сўзлаши ёки ўз-ўзи билан суҳбатлашиши монолог деб аталади. Монологнинг турли кўринишлари мавжуд. Агар у персонажнинг тўғридан-тўғри бошқаларга қаратилган нутқи тарзида берилса, очик шаклдаги монолог бўлади. Монологнинг бу хилидан кўплаб ижодкорлар муваффақият билан фойдаланганлар.

Бадий асарларда монолог персонажларнинг ички нутқи, ўз-ўзи билан сўзлашуви, суҳбат тарзида ҳам берилиши мумкин. Бу монологнинг ёпиқ шакли ҳисобланади. Ундан ҳам ёзувчилар ўз асарларида унумли фойдаланадилар.

Баъзан бутун асар давомида ҳикоя биринчи шахс тилидан, яъни монолог шаклида айтилиши мумкин. Ғ.Ғуломнинг «Шум бола» қиссаси, Х.Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» романларида асарнинг бошидан охиригача бош қаҳрамон тилидан олиб борилади. Бундай усул – ёзувчига қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини, ўй-фикрларини, турли ҳодиса ва кишиларга муносабатини ишонарлироқ тарзда баён қилиш имконини берган.

Монолог қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, ҳар доим қаҳрамонлар руҳий оламини, онгидаги ўзгаришларни, турли кишиларга ва нарса-ҳодисаларга муносабатини аниқлашга олиб келади.

Ёзувчилар персонажлар нутқига жуда усталлик билан ва меъёрни сақлаган ҳолда халқ мақолларини киритадилар. Бунда ҳам улар қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини тереңроқ очишни кўзда тутадилар.

Масалан, А.Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясини олсак. Ушбу ҳикояда еттита персонаж бор. Ёзувчи воқеа қандай бўлса, шундай тасвирлайди, унга баҳо бериб ўтирмайди. Ҳикоя финали ҳар қандай китобхоннинг ҳам кўзига ёш келтиради, бегуноҳ ёш гўдакнинг

бошига шундай оғир ва даҳшатли кулфат тушганлигига чидай олмайди.

Лирикада персонаж мсасаласи ўзгачароқ. Драмадаги диалогик нутқ, ҳикоядаги муаллиф нутқи лирик шеърда лирик қаҳрамоннинг монологик нутқи билан алмашинади; нутқ «мен» ё «биз» тилидан сўзланади. Эркин Воҳидовнинг «Ўлка» шеъри мисолида фикримизни ойдинлаштирадиган бўлсак, бу шеърда бирорта ҳам лирик персонаж йўқ. Ватан ҳис-туйғуларининг соҳиби лирик қаҳрамон («мен») гина мавжуд холос.

Лекин айрим шеърлар лирик персонажга эга бўлиши мумкин. Ўқиш дарслигидаги кўп шеърларда бу ҳолни кузатишимиз мумкин.

ҚАҲРАМОН.

Бадий асар мазмунида асосий ўрин тутувчи персонажлар (масалан, эпизодик персонажлардан фарқли ўлароқ) қаҳрамон деб аталади. «қаҳрамон» атамаси тасвир этилган персонажнинг албатта ижобий сифатларга эга эканини кўрсатмайди, балки асарда унинг катта ўрин тутишини англатади, холос.

Адабиётшунослик ва адабий танқидда «ижобий қаҳрамон», «салбий қаҳрамон», «мураккаб қаҳрамон» атамалари ҳам учрайди. Бу ҳолда «ижобий қаҳрамон» атамасини тасвир этилаётган персонажда ҳаётнинг ижобий ҳодисалари мужассамланганини ва муаллифнинг унга ижобий муносабатини кўрсатади. Ижобий қаҳрамон муаллифнинг эстетик идеалини ташувчидир. Кенг ўқувчилар оммаси бадий асардаги ижобий қаҳрамонларга айрича ихлос кўядилар, чунки улар ҳаётдаги ижобий ҳодисаларнинг тасвиридирки, ўқувчилар оммаси бу ҳодисаларни алоҳида кадрлайди. Ижобий қаҳрамон ўқувчи учун тақлид намунаси бўлиб хизмат этади. Шунинг учун ҳам адабиётда ижобий қаҳрамонларни яратиш жуда муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланади. Бошланғич синф ўқиш дарслигида танишганимиз асарлардаги ижобий қаҳрамонларнинг яратилиши шу асарларнинг жозибадорлигини таъмин этган омиллардандир. Шу билан бирга, ўзида салбий хислатларни мужассамлаштирувчи қаҳрамонларнинг тасвирланиши ҳам ушбу асарларнинг таъмир кучини оширган. Ҳаётдаги салбий ҳодисаларни намоён қилувчи бундай персонажлар, одатда «салбий қаҳрамонлар» деб аталади. Бадий асарларда ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг мавжудлиги

ҳаётнинг ўзидаги яхшилик билан ёмонлик орасидаги доимий курашнинг инъикосидир.

Шунингдек, бадиий асарларда ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни ўзида акс эттирувчи қаҳрамонлар ҳам учрайди. Бундай персонажларни, одатда «мураккаб қаҳрамонлар» дейилади.

Аmmo шуни эсда тутиш керакки, адабий асар қаҳрамонларини ижобий ва салбий гуруҳларга бўлиш жуда шартли бир ҳодисадир. Аслида бадиий асар қаҳрамонларининг таъсир кучи – уларнинг ижобий ёки салбий бўлишида эмас, балки бу қаҳрамонларнинг ҳаётийлигида, яъни ҳаёт ҳақиқатига мослигидадир. Фақат ҳаётий образгина ўқувчини ишонтира олади ва ҳаяжонга сола билади.

«Ижобий қаҳрамон» деб аталмиш персонаж фақат яхши фазилатларнинг йиғиндиси бўлиб қолса, ҳаётийлигини, яъни бадиий таъсирдорлигини йўқотади. XX асрнинг 30-40-йилларида баъзи ёзувчи ва танқидчилар бадиий асарда «идеал қаҳрамон» яратиш шиорини ўртага ташладилар, ammo бу шиор санъаткорлар тажрибасида ўз тасдиғини топмади. Чунки ижобий ёки салбий қаҳрамонни «ясаб» бўлмайди; ёзувчи уларни ҳаётнинг ўзидан топиши ва ёрқин тасвирини бериши керак, ҳаётда камчиликлардан ҳоли кишилар жуда камдан-кам учрайди, шунинг учун ижобий қаҳрамоннинг ҳам тарихий ва социал шароит туғдирган ожиз томонлари ҳам бўлиши мумкин.

Адабиётда қаҳрамон муаммоси шунчалик мураккабки, кўпинча у ёки бу қаҳрамонга «ижобий», «салбий» ёки «мураккаб» деган тавсифни бериб бўлмайди. Демак, бутун гап тасвир этилаётган қаҳрамонларнинг ҳаққонийлигидадир.

Бадиий адабиёт қаҳрамонсиз яшай олмайди, чунки ҳаётнинг ўзи ундаги ижобий (илғор), салбий (қолоқ, орқага тортувчи), мураккаб кучларнинг курашидан иборатдир. Бу кураш шахсларнинг иш ва ўйларида ўз ифодасини топади. Бадиий адабиётни қаҳрамон тасвиридан маҳрум этиш-уни бадиий жиҳатдан ожиз қилиб қўйиш, демакдир. XX асрнинг 70-йилларида жаҳон адабиётида «қаҳрамонсиз адабиёт» учун кураш бошланди. Бу ҳодиса «дегероизация», яъни адабиётни «қаҳрамондан халос қилиш» деб ном олди. Натижада ўқувчига таъсир қилмайдиган ҳаракатсиз, «совуқ» асарлар пайдо бўлди. Чунки қаҳрамонсиз адабиёт – эҳтироссиз, ҳаётий ҳодисаларга аниқ муносабатсиз адабиёт, демакдир. Бундай адабиёт ҳеч нарсани рад этмайди, ҳеч нарсани тасдиқ қилмайди. Бадиий асарда тасвирланган шахсларни ҳаётий ҳақиқатга зид ҳолда, ижобий ёки

салбий сифатларнинг механик жамига айлантириш санъат учун қанчалик зарарли бўлса, адабиётни ҳаётнинг салбий ва ижобий томонларини мужассамлантирувчи қаҳрамонлардан маҳрум этиш ҳам шунчалик зарарлидир.

Услубий қўлланмамизнинг бошида таъкидлаб ўтганимиздек, «бадий образ» атамаси ҳам кенг, ҳам тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода «бадий образ» деганда борлиқнинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва ижодий қайта ишланган ҳар қандай акси (жониворлар, нарса-буюмлар, ҳодисалар, табиат образлари) назарда тутилса, тор маънода бадий асардаги инсон образи тушунилади. Борлиқни бадий идрок этишни мақсад қилган бадий адабиётнинг асосида инсон образи туради, чунки борлиқнинг ўзида инсон шу хил мавқени эгаллайди. Шундай экан, борлиқни бадий идрок этишни мақсад қилган бадий адабиётнинг бу йўлдаги асосий воситаси инсон образи бўлиши табиий ҳамдир. Мазкур фикрни образлар тизимидаги даражаланиши яққол кўзга ташланадиган катта эпик асарлар мисолида тушуниш ва тушунтириш қулайдир. Бу хил асарларда бошқа (нарсалар, жониворлар, ҳодисалар ва ш.к.) образларнинг бари инсон образини ёрқинроқ тасвирлашга, чуқурроқ очиқ беришга хизмат қилади. Тўғри, айрим асарлар борки, уларда инсон образи яратилган эмас: масаллар, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар ёки асарлар, пейзаж лирикаси ва бошқалар. Бироқ уларда ҳам ё мажозий равишда инсон, инсон ҳаёти ҳақида сўз боради (масаллар, ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар), ё инсон қалби суратланади (пейзаж лирикаси).

Бадий адабиётда инсон образини тўлақонли яратиш, уни ўқувчининг кўз олдида конкрет жонлантириш учун хизмат қиладиган қатор воситалар мавжуд. Буларга муаллифнинг тавсифи, портрет, бадий психологизм, персонаж нутқи каби бадий унсурлар киради. Образга бевосита ёзувчининг ўзи томонидан берилган таъриф «муаллиф тавсифи» деб юритилади. Муаллифнинг тавсифида образнинг феъл-атвориға хос асосий хусусиятлар баён қилинади. Одатда муаллифнинг тавсифида образнинг феъл-атвориға хос асосий хусусиятлар баён қилинади. Муаллифнинг тавсифи асарнинг бошланиш қисмларида ёхуд конкрет образ асарга кириб келган ўринларда берилади. Муаллиф тавсифи ўқувчида персонаж ҳақида яхлит тасаввурни ҳосил қилиб, унинг кейинги хатти-ҳаракатларини, гап-сўзларини англашида муҳим аҳамият касб этади. Персонажнинг сўз билан чизилган ташқи қиёфаси – портрет ҳам инсон образини

яратишда муҳим восита саналади. Шу ўринда «портрет» атамаси хусусида тўхталиб, маълумот бермоқчимиз.

Ёзувчилар айрим асарларда қаҳрамонлар руҳиятини, характерларини очишда уларнинг ташқи қиёфалари, яъни портретларини чизишга жиддий эътибор берадилар.

Портрет–французча *portrait* - тасвир сўзидан олинган бўлиб, у куйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Адабий асарда кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим–кечаги, ўзини тутиши ва ҳ.к. тасвири. Бадиий асардаги портретнинг характери ва функциялари ранг – баранг бўлади. Бироқ портретнинг энг муҳим характери унинг кўпроқ психологик портрет бўлишидир. Психологик портрет ёзувчига персонажнинг ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий дунёсини очишга ёрдам беради. Шунинг учун айтиш мумкинки, портрет ёзувчининг шахсий услуби, маҳорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда турлича даражада берилиши мумкин. Масалан, баъзан шахснинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракати жуда батафсил тасвирланса, баъзан образнинг ё ташқи қиёфасига ёки унинг хатти-ҳаракатига оид муҳим бир детални тасвирлаш орқали ҳам берилиши мумкин. Портрет образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир.

2. Айрим ёзувчилар, шоирлар, атоқли жамоат арбоблари, санъаткорлар ёки олимларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги асарлар. Ўзбек адабиётида Ойбек, А.қаҳҳор, А.қодирий, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Ғ.Ғулом. У.Носир, Ғайратий, С.Зуннунова, И.Султон, Миртемир каби шоир, олим, санъаткор ва ёзувчилар ҳақида М.қўшжонов, Л. қаюмов, С.Мамажонов, А.Алиев, Ў.Шокиров ва бошқалар яратган портретлар мавжуд.

Асарда иштирок этувчиларнинг портретини – ташқи қиёфасини (юзи, гавдаси, кийими, қилиқлари ва бошқаларини) тасвирлаш ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам муҳимдир. Ёзувчи учун портрет чизиш бадиий тасвир воситаси, характерни очиш усулидир. Баъзан портрет бутун асар бўйлаб давом этадиган асосий бадиий воситалардан бири бўлиб қолади.

Ўқувчи асар қаҳрамонининг портрети орқали унинг кўп жиҳатларидан хабардор бўлади, яъни бу қаҳрамонларнинг портрети орқали уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳам, социал моҳиятини ҳам яққол акс эттиради.

Одатда, «қаҳрамоннинг ички портрети» деганда унинг характерли руҳий кечинмалари, маънавий олами назарда тутилади.

Портрет яратишнинг турли-туман хилларидан ҳар бир ёзувчи ўз услуби, ғоявий мақсадига мувофиқ ҳолда фойдаланади. Маҳорат билан чизилган портрет инсоннинг тўлақонли образини ёрқинлаштириш, руҳий дунёсини яхшироқ бадиий тадқиқ этиш воситасига айланади.

Портрет, аввало, персонажнинг ўқувчининг кўз олдида конкрет инсон сифатида гавдаланишига кўмаклашади. Иккинчи томондан, бадиий асарда портрет характерологик белгиларга эга бўлади. Яъни ёзувчи персонажнинг сийратига хос хусусиятларни суратида акс эттиришга интилади. Ёзувчи персонажнинг қиёфасини анча муфассал чизиш ёки унинг қиёфасига хос айрим деталларни бериш билан кифояланиши ҳам мумкин. Чунки портрет – восита, демак, унинг қандай бўлиши кўпроқ муаллифнинг нияти, ёзувчининг ўзига хос тасвир услуби, персонажнинг асарда тутган мавқеи қабила билан боғлиқдир. Масалан, Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида севимли қаҳрамони Зебининг қиёфасини чизмаган. Адиб кўпроқ персонажнинг сийратини чизади, унинг хатти-ҳаракатларини жонли тасвирлайди, гап сўзларидаги жонли оҳангни ифодалашга интилади, хуллас, ҳар бир ўқувчининг ўз Зебисини тасаввур эта олишига имкониятни яратади. Натижада қаҳрамон қиёфасини чизмасликнинг ўзи ўзига хос бадиий усулга айланадики, унинг ёрдамида адиб ўқувчини қаҳрамонига «яқинлаштиради». Кўрамизки, қаҳрамон қиёфасининг қандай ва қай даражада чизилиши белгили эмас, бу ўринда портретнинг (ёки портрет деталларининг) инсон образини тўлақонли яратиш ва ўқувчининг тасаввур эта олиши учун етарли бўлиши асосий мезондир.

Бадиий асарда тўлақонли инсон образини яратишдаги муҳим унсурлардан бири бадиий психологизм саналади. Бадиий психологизм дейилганда персонаж руҳиятининг очиб берилиши, унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши тушунилади ва у мазкур вазифаларни амалга оширишга хизмат қилувчи қатор усул, воситаларни ўз ичига олади. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонажнинг ўй-кечинмалари ҳис-туйғуларининг «ички монолог», «онг оқими» тарзида ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган муаллиф гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади. Асарда персонаж руҳиятини унинг хатти – ҳаракатлари, гап- сўзлари, юз-кўз ифодалари (мимикаси), ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши

билвосита психологик тасвирдир. Рухий тасвирнинг бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонажнинг руҳиятини тасвирлашда ёзувчи буларнинг ҳар иккисидан ҳам ўрни билан унумли фойдаланади. Шунингдек, персонажнинг руҳиятини очишда ёзувчи табиат тасвиридан ёки бошқа бирор нарса образидан фойдланиши мумкин. Жумладан, пейзаждан унумли фойдаланиши мумкин.

Шу ўринда биз «пейзаж» атамаси хусусида ҳам тўхталиб, маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Пейзаж (французча *paysage* – мамлакат, жой, макон сўзларидан олинган) – бадий асарда акс эттирилган жой, табиат тасвири бўлиб, у ёзувчининг методи ва услуби билан боғлиқ ҳолда турлича вазифаларни ўтайди. Ёзувчи ўз асарида табиат лавҳаларини чизиш билан ўзининг табиатга муносабатини ифодалайди: табиатнинг гўзаллиги, бойлиги ва қудратини таърифлайди, қаламга олинган жойлар табиатининг ўзига хос хусусиятларини очади. Кўплаб санъаткорларимиз ижодидаги пейзаж она – Ватанга астойдил мухаббат руҳи билан суғорилган.

Табиат лавҳалари, аксар қаҳрамонларнинг кайфияти ва ҳолатига уйғун бўлиб келади. Ўқиш дарслигида берилган асарлар мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Демак, тасвирий адабиётдаги табиат манзалари пейзаж деб юритилади. У адабий асарда муайян ғоявий – композицион вазифани бажаради. Ёзувчилар пейзаж ёрдамида характерларни ҳаракатда, доимий ўзгаришда кўрсатадилар. Фикримизни «Наврўз» - баҳор байрами матни орқали ойдинлаштирамиз.

«Тол куртаклари ёрилиб, ундан бўз момиқ ғунчалар чиқади. Бўғотда сап-сарик бўлиб очилиб турган сумалаклар куёш шуъласига чидай олмай ёш тўкмоқдалар. Томчилар март... март... март дегандай бўлаётир. Ўлкамизда баҳор. Наврўз кириб келади. Ҳамма ёқ гуллар билан безанади»¹.

Бадий асарда пейзажнинг қўлланиш йўллари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, улар ёзувчи услуби ва асарнинг жанри билан ҳам белгиланади. Табиат манзараси тасвиридан турли хилдаги мақсад кузатилади. У гоҳ воқеа содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонларнинг кайфиятини очишга ёрдам беради, гоҳ асар воқеаларини бир-бири билан боғлаш вазифасини ўтайди.

¹ Абдуллаева +., Юсупов М. ва бош=алар. Ы=иш китоби: 2-синф учун дарслик. – Т.: Ы=итувчи, 2002. – Б. 121.

Пейзаж кўп ўринда муаллифга ўз фикрларини яқунлаш учун ҳам керак булади. Шунингдек, қиёслаш, қарама-қарши қўйиш Абдулла қаҳҳор ижодида кенг ишланган усул; табиат ҳодисаларидан, турмуш зиддиятларидан фойдаланиши ёзувчига аниқ ва ишончли манзарани чизишга, характер чизиқларини белгилашга кенг имкон беради.

Унинг «Анор» асари мисолида кўрадиган бўлсак, ҳикояда Туробжоннинг хотини эрига аччиқ гапириб қўйганидан жуда хафа бўлади:

«қоронғи, узоқ - яқинда итлар хурар эди. Кўча эшигини очиб, у ёқ бу ёққа қаради, жим-жит, Гузар томонда фақат битта чироқ милтиллар эди.»¹. Кўнгилга аллақандай ваҳима солувчи тинчлик аёлнинг кечинмаларига ҳамоҳанг бўлиши билан бирга Туробжоннинг хатти-ҳаракатларига маълум даражада қарама-қарши эди. Кун бўйи ишлаган Туробжон бутун борлиқ ором олаётган бир вақтда ҳам ухламай, хотининг орзусини қондириш мақсадида ўғирлик қилишга мажбур бўлади.

Шунингдек, ёзувчи А.қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясида қуйидаги манзара берилади: Кўнгилга ғашлик солувчи «ҳамма ёқ» жим-жит. «Фақат пашша ғинғиллайди, бемор инқиллайди, ҳар замон йироқ-йироқдан гадой товуши эшитилади ...» бу тасвирдан ўтмишнинг типик манзараси кўз олдимизга келади.

Ушбу мисоллардан аён бўладики, пейзаж маҳорат билан чизилиб, ўз ўрнида келганда, асарнинг ниятини белгилашда, тўлақонли характерларни ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ДЕТАЛЬ.

Ҳар бир ёзувчи баъзан асарни бир кичик деталь асосига қуради. Ўша деталь асардаги барча воқеаларни боғлаб турувчи, муаллифнинг мақсадини таъкидловчи восита вазифасини бажаради. Абдулла қаҳҳор «қизиқ деталь чиройли парча шу вақтда асарнинг қимматини оширадики, шу қизиқарлилиги, шу чиройлилиги билан ғоянинг ташвиқ қилинишига хизмат қилса»² дейди.

Деталлар ниҳоятда хилма-хил бўлади. Детал муаллиф ё персонаж нутқида, пейзаж, портрет ва бошқаларнинг тасвири давомида келтирилиши мумкин. Лекин унинг мавқеи, албатта, асарнинг ғоясини шакллантиришдаги вазифаси, образларни

¹ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: «ЫАЖБНТ» Маркази, 2003. – Б. 100.

² Султонова М. Абдулла + ашшор услуби. – Т.: Фан, 1967. – Б.123.

характерлашдаги иши билан белгиланади. Абдулла қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясидаги ҳодиса, яъни анор детали билан боғлиқ можаро бир қарашда жуда жўн, оддий бўлиб туюлади. Агар анор можаросини асардан, ҳикояда акс этган вақтдан ажратиб олиб қаралса, у ҳеч қандай маъно касб этмай қолиши ҳам мумкин. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у ана шу оддий бўлиб кўринган деталдан катта ҳақиқатни ифодалаб, асарнинг ғоясини белгилаш учун восита сифатида фойдалана олган. Кишилар ўртасидаги тенгсизлик ва унинг фожиали оқибатлари масаласи асарнинг бош мавзудир. Анор можароси эса шу масалани ёритишда, асарнинг пафосини рўёбга чиқаришда қурол вазифасини ўтайди.

Туробжоннинг хотини анорга бошқоронғи бўлиши жуда табиий, кўп учрайдиган ҳодисадир. Анор - қимматбаҳо, тансиқ мева. Ўтмишда бировларнинг эшигида ишлайдиган фақир йигит учун анор топиш мушкул бўлган. Агар аёл «одамлардай гилвата, тузга, кесакка бошқоронғи» бўлганда ва муаллиф гилвата ёки кесак детални қўллаганида, табиийки, воқеа таъсирли чиқмаган бўлар эди. Анор детали бу жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқдир. Хуллас, бу деталь можароларни келтириб чиқариш, асарнинг воқеасини ривожлантириш ҳамда далиллаш, ниҳоят, ҳаёт ҳақиқатини ва ҳикоя нуқтаи назарини билдириш учун мувофиқ дастак хизматини ўтайди.

Бадий асарда характернинг руҳиятини очиш, умуман, инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан яна бири юқорида таъкидланганимиздек, персонаж нутқидир. Замонавий насрда диалог салмоғининг ортиши баробари персонаж нутқининг образ яратишдаги мавқеи ҳам кучайди. Моҳир ёзувчи персонаж нутқини индивидуаллаштириш орқали унинг шахсияти, дунёқараши, муайян ҳаётий ҳолатдаги руҳияти ҳақида ўқувчига кўп нарсаларни етказа олади. Айтиш керакки, диалогларда персонаж нутқи муаллифнинг қисқа, лўнда шарҳлари билан таъминланади. Юқорида айтганимиз персонажнинг юз-кўз ифодаси, мимикаси, ундаги физиологик ўзгаришлар ҳақида маълумот берувчи деталлар диалогда жуда катта аҳамият касб этади. Улар персонаж нутқини «эшитиш» ва унинг хатти-ҳаракатини «кўриб туриш» имконини—сахнавийлик эффектини яратади, яъни инсон образининг тўлақонли, жонли чиқишини таъминлайди.

Бадий асарларда инсон образи билан боғлиқ ҳолда бадий образнинг ўз характер мантиқидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланишига алоҳида диққат қилинади. Баъзан ўқувчилар ўқиган

асарларини муҳокама қиларканлар «фалон қаҳрамон ўлмаганда яхши бўларди» ва ҳ.к. қабилида фикр юритишади, ҳаттоки, шу хилдаги истақларини билдириб, муаллифларга хат ёзганлари ҳам бор. Бу – бадииятни, ижод жараёнини юзаки, жўн тушуниш натижаси. Гап шундаки, бадиий образ ёзувчининг қўли эмас, у ўзининг характер мантиқига мувофиқ ҳаракат қилади. Албатта, асар персонажлари характерига хос асосий хусусиятларни аввал бошда ёзувчининг ўзи белгилайди. Кейин асар воқеалари ривожидан тўла шаклланган ва мустақамланган характер энди муаллифнинг диққатини қабул қилмайди, ўз бошича ҳаракатланади. Адабиёт тарихида ушбу фикримизни тасдиқлайдиган кўплаб мисоллар бор.

Адабиётшуносликда бадиий образлар таснифи масаласида ҳар хил фикрлар мавжуд. Ҳали бу масалада тугал тўхтамга келинмаган. Шундай бўлса-да, адабий асарлардаги образларни кенг қамраган ҳолда уларни турли жиҳатлардан гуруҳловчи М.Этитейнинг қуйидаги таснифига кўп жиҳатдан қўшилиш мумкин. Мазкур таснифга кўра бадиий образлар қуйидаги жиҳатлардан тасниф этилади:

- 1) предметлик даражасига кўра;
- 2) бадиий умумлаштириш даражасига кўра;
- 3) ифода ва тасвир қатламлари муносабатига кўра.

Образнинг предметлилик даражаси дейилганда, ўша образ тасвирланаётган нарсанинг кўлами назарда тутилади. Бу жиҳатдан бадиий реаллик тўртта сатҳдан таркиб топади: 1) деталь образлар; 2) воқеа-ҳодисалар образи; 3) характер ва шароит; 4) дунё ва тақдир образи (бадиий реаллик). Деталь образлар (тафсилотлар нарсабуюмлар, портрет, пейзаж)ўзларининг статик ҳолатдалиги билан фарқланади. Деталь образлардан бадиий реалликнинг иккинчи қатлами – ички ёки ташқи ҳаракатдан таркиб топувчи воқеа-ҳодисалар образи ўсиб чиқади. Учинчи қатламни шу ҳаракат ортида туриб уни юргизиб турган «характер ва шароит» ташкил қилади. Характер ва шароит олдингиларини бирлаштирган ҳолда «дунё ва тақдир» образини юзага келтиради. Аён бўлдики, бадиий реаллик гўё ғиштчалар сингари бутунни ташкил қилишга хизмат қилувчи унсурлардан ташкил топади ва бу унсурлар ўзаро предметлилик даражаси тасвир кўлами жиҳатидан фарқланади.

Умумлаштириш даражасига кўра ҳам бадиий образнинг қатор кўринишлари – индивидуал образ, типик образ қабилар ажратилади. Бироқ шуни айтиш керакки, уларнинг орасидаги фарқ доим ҳам яққол кўзга ташланавермайди, яъни бу хил бўлинишда муайян даражада

шартлилик сақланиб қолади. Индивидуал образ дейилганда ўзигагина хос бўлган феъл-атвори, гап-сўзлари, бетакрор характер хусусиятлари билан намоён бўлувчи образлар тушунилади. А.қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар» қиссасидаги Бабар, ғафур ғуломнинг «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидаги Роқия бибиларни буларга мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Характер деганда эса давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим, характерли умумий хусусиятлар билан алоҳида шахсга хос индивидуал хусусиятларни ўзида уйғун мужассам этган образ назарда тутилади. Типик образ дейилганда муайян ижтимоий тарихий шароит, давр ва муҳитга хос муҳим характерли хусусиятларни ўзида намоён этган образ назарда тутилади.

Умумлаштириш даражасига кўра яна бадий образнинг мотив, топос, архетип деб юритилувчи кўринишлари ҳам ажратилади. Юқорида кўриб ўтганимиз индивидуал, характер ва типик образлар бир асар доираси билан чекланса, кейинги учаласи адабий-маданий анъанага кўра муайян турғун шаклга айланиб, асардан-асарга кўчиб юриш хусусиятига эга.

Мотив (мотив образ) шаклий ва мазмуний жиҳатлардан муайян турғунлик касб этган, бир ёки бир неча ижодкорнинг асарларида қайтарилиб туриши билан уларнинг ижодий интилишларини намоён этиб турувчи образдир. Масалан, Чўлпон учун «йўл» образи мотив саналиши мумкин. Айни шу образ унинг ҳам шеърий, ҳам насрий асарларида тез-тез такрорланади. Ёки Чўлпон ижодига хос «юлдуз», «йўлчи» мотивлари 20-30-йиллар шеъриятида, хусусан, А.Фитрат, Ойбек ва У.Носир асарларида ҳам учрайди.

Топос мотивга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у умуман, миллий маданиятда, катта бир адабий давр мобайнида такрорланувчи образ саналади. Шу жиҳатдан, ўзбек мумтоз шеъриятидаги пайғамбарларнинг образлари, гул ва булбул, шам ва парвона каби қатор такрорланувчи топос саналиши мумкин.

Архетип дейилганда инсон тафаккури, ижодий тасаввурига хос бўлган турғун «схема»лар, конструкциялар, қолиплар тушунилиб, уларнинг изларини энг қадимги даврлардан бошлаб то ҳозирги адабиётгача кўриш мумкин бўлади, Архетик конструкция ва схемалардан ўзига хос «сюжет ва сюжет ҳолатлари» жамғармаси

ҳосил бўладики, улар асардан-асарга, даврдан-даврга кўчиб юради. Масалан, булбул – гул – чақиртиканак»¹.

ОБРАЗ ЯРАТИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар бир ёзувчи образ яратишда типиклаштиришнинг ранг-баранг усулларида фойдаланади. Бу ўринда реализм адабиётида кенг қўлланилаётган бадиий образ яратишнинг қуйидаги икки усули билан қисқагина танишиб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1. Жамлаш йўли билан образ яратиш.

Ҳар бир ижодкор ҳаётдаги кўплаб одамлар турмушини, ички дунёсини, урф-одатини, руҳиятини, меҳнат фаолиятини пухта ўрганиш асосида уларнинг энг муҳим белгиларини, типик хусусиятларини саралаб, танлаб олади, умумлаштиради, синтезлаштиради, бадиий бир бутунликка йиғиб, конкрет шахс образи орқали ифодалайди. Н.Г.Чернешевский «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати» асарида бадиий образ яратишнинг шу усули ҳақида тўхталиб, қуйидаги фикрни билдиради: ёзувчи «кўпгина индивидуал шахсларни кузатади; буларнинг ҳеч қайсиси тўла тип бўлиб хизмат қила олмайди; лекин у ҳар биридан умумий типик хусусиятларини аниқлайди; барча тасодифий хислатларни чиқариб ташлаб, ҳар хил кишиларга хос бўлган хусусиятларни бадиий бир-бутунликка бирлаштириш йўли билан характер яратади»².

Рус ёзувчиси М.Горький эса қуйидаги фикрни илгари суради: ёзувчи «ҳамма ерда иш кўради, у ҳамма гуллардан шарбат тўплаб, асал ва мум ҳосил қиладиган асаларининг ўзидир»³.

Олимларимиз болари бир килограмм асални йиғгунча бир миллион етти юз минг гулдан нектар сўриши кераклигини аниқлашган⁴. Ёзувчилар ҳам образ яратиш жараёнида худди боларидек машаққатли меҳнат қиладилар.

Ёзувчи тўқима образларни шу даражада ҳаётий, ҳаққоний, табиий қилиб яратадики, натижада китобхон шу образнинг айнан ўзи ҳаётда бор деб ўйлайди ва унга ишонч кўзи билан қарайди. Масалан,

¹ +уронов Д. Адабиётшуносликка кириш: Дарслик. – Андижон: ШҶаёт, 2002. – Б. 69-70.

² Чернешевский Н.Г. Эстетическое отношение искусства к действительности: Избранные сочинение. – М. – Л., 1950.- С. 436.

³ Горький М. Адабиёт шаъида. – Т.: Бадиий адабиёт, 1962. –Б. 238

⁴ Ўзбекистон маданияти. - 1977. – 28 январь.

А.қахҳорнинг «Синчалак» қиссасидаги Саида, Ҳ.Назирнинг «Шоира» асаридаги Шоира каби бадиий образлар ана шу усулда яратилган.

2. Прототип асосида бадиий образ яратиш.

Прототип (юнонча prototupon: protos – нутқ, нишона, образ сўзидан олинган) адабиётшуносликда бадиий образни юзага келтиришда негиз, асос, ўзак, бош йўналиш нуқта, пойдевор сифатида хизмат қилувчи реал шахс (ҳаётда бўлган тарихий шахс) маъносида қўлланилади. Бу усулда бадиий образ яратишнинг характерли жиҳати шундаки, бунда ҳаётда мавжуд бўлган тарихий шахс бадиий образнинг асосида туради. Ёзувчи ҳаётдаги фавқулодда шахслар – прототипларга таяниб бадиий образни яратади. Прототипли образ яратиш жараёнида ҳам худди жамлаш йўли билан образ яратилаётганидек, ҳаёт ҳодисалари типиклаштирилиб кўрсатилади, бадиий тўқимадан маълум меъёрда фойдаланилади. Таъкидлаш керакки, бадиий образ ҳаётини материал-прототип, ёзувчининг ижодий фантазияси – бадиий тўқима ва олға суриладиган ғоя эстетик идеалнинг кўшилишидан ҳосил бўлади. Прототип билан образ орасида ёзувчининг ўзи туради. Агар бадиий образни жонли организм деб фарз қиладиган бўлсак, прототип шу организмнинг скелети, бадиий тўқима унинг эти, эстетик идеал эса қони-жони. Тирик организмнинг қони-жонидан ажратиб бўлмаганидек, бадиий образ «организм»даги прототипни бадиий тўқимадан, бадиий тўқимани эстетик идеалдан узиб олиб бўлмайди. Улар бир-бирига пайвандлашиб, кўшилиб, чатишиб кетади. Ўқиш дарслигида танишиб чиққанимиз тарихий асардаги бир қатор образлар мана шу усулда яратилган. Бадиий образ яратишдаги бу икки усулнинг бир-биридан асосий фарқи шундаки, жамлаш йўли билан яратилган образларнинг заминидан конкрет тарихий шахслар эмас, балки умуман, инсон фаолияти турса, прототипли образларнинг пойдеворини аниқ тарихий шахслар эгаллайди. Бу икки усул ўртасидаги муштараклик шундаки, ёзувчи (образ яратишда, умуман, қандай усулдан фойдаланишдан қатъий назар) ҳаётни образли ифодалайди. Ҳақиқий санъаткор қаламига мансуб бўлган ҳар бир образ ўзининг хатти-ҳаркати, қилиқ ва одати, ўй ва фикри, орзу-интилиши, руҳияти ва меҳнат фаолияти билан тамомила типик ва шу билан бирга, конкрет, аниқ шахс сифатида китобхоннинг ишончини қозонади. Шунга кўра, бундай образлар мутлақо ҳаётини бўлиб чиқади.

ОБРАЗЛАР ТАСНИФИ.

Адабиётшуносликда бадиий образлар қуйидаги илмий тамойиллар асосида тасниф қилиб ўрганилади:

1. Ижодий метод тақозосига кўра образлар қуйидаги турларга бўлинади: мифологик, афсонавий, хаёлий-фантастик, символик, романтик, реалистик образлар.

Реалистик образ - ҳаёт ҳақиқатига монанд образлар бўлиб, улар жонли одамларга хос бўлган хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради. Юқорида бадиий образ ва унинг хусусиятлари ҳақида юритган фикримиз бевосита реалистик образлар учун характерлидир. Ўзбек мумтоз адабиётида яратилган образларнинг аксарияти романтик образлар бўлса, XX аср ўзбек адабиётининг асосий қаҳрамонлари реалистик образлардир.

«Ўтган кунлар» романидаги Отабек, Кумуш, «Улуғбек хазиnasi» даги Мирзо Улуғбек, Темур, Самарқандий, Али қушчи, Абдуллатиф образлари реалистик образлардир.

Романтик образлар – ҳаётда айнан бўлмаган, аммо бўлиши орзу қилинган – мўъжизакор куч - қувват эгаси бўлган, кўтаринки руҳ билан яратилган образлар. Масалан, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг «Хамса» сида яратилган қатор образлар, яъни Фарҳод, Ширин, Меҳинбону, Шопур, Баҳром, Дилором, Лайли, Мажнун, Навфал, Искандар-Зулқарнайн ва бошқалар ана шундай мўъжизакор романтик образлардир.

Хаёлий-фантастик образлар – ҳаддан ташқари бўрттирилган, илоҳийлаштирилган, мўъжизавий характерга эга бўлган образдир. Бундай образлар, хусусан, халқ оғзаки ижодида кўп учрайди. Чунончи, «Алпомиш» достонидаги Жин, ўқиш дарсликларидаги танишиш имкониятига эга бўлганимиз халқ эртақларидаги Жин, Ажина, Дев каби образлар шулар жумласидандир.

Афсонавий образлар – бутунлай хаёлий образлар бўлиб, улар битмас-туганмас куч-қудратга, юксак фазилатларга эга бўлади. Халқ оғзаки ижодидаги паҳлавонлар образи мана шундай характерда. Масалан, «Алпомиш» достонидаги Алпомиш, «Гўрўғли» туркумидаги дostonлардаги Гўрўғли ва бошқа паҳлавонларнинг образи мана шундай афсонавий қаҳрамонлардир.

Символик образлар – предметлар, ўсимликлар, нарсалар, жониворлар, ранглар орқали ижтимоий ҳодисаларни умумлаштириш демакдир. Чунончи, кабутар-тинчлик рамзи, гул ва булбул – маъшуқа

ва ошиқ рамзи, қизил ранг-озодлик рамзи ва ҳоказолар. Бадиий асарларда ана шундай символик образлар ҳам учраб туради.

Символик образларнинг яна бир гуруҳи аллегорик образлар деб юритилади. Аллегорик образлар шу билан характерланадики, бунда куш, ҳайвон, ҳашорот қабилар инсонларга хос бўлган хусусиятларга эга қилиб кўрсатиладики, бошқача қилиб айтганда, улар инсонийлаштирилади ва шу орқали ҳаётдаги айрим одамларнинг нуқсонлари устидан кулинади. Масалан, масалларнинг қаҳрамонлари, асосан, аллегорик образлар бўлади. Муҳаммадшариф Гулханий «Зарбулмасал» асарида кўркуш, бойўғли, худхуд, туя, бўталок, тошбақа, чаён, О.қўчқорбековнинг «қайсар бузоқча» масалида бузоқча, «Чумоли ва типратикан» масалида типратикан, чумоли каби аллегорик образларни яратганлар. Жумладан, О.қўчқорбековнинг «қайсар бузоқча» масалидаги бузоқча образи билан танишадиган бўлсак, бузоқчанинг арзимаган нарсага аразлаб ўз тўдасидан кетиб оч бўрига ем бўлишини тасвирлаш орқали халқимизнинг «Бўлинганни бўри ер» номли ҳикматли сўзи бежиз айтилмагани акс эттириб берилган.

Мифологик образлар – мифология (афсона) асосида яратилган асотирий образлар. Мифологик образлар инсон табиатга қарши курашда ожиз бўлиб, ундаги ходисаларни қандайдир табиатдан ташқари, кишиларга нисбатан эзгу ёки ёвуз ниятда бўлган руҳлар бошқаради деб ўйлаган аждодларимиз томонидан яратилган мифологик образларда ҳам реалистик элементлар бўлади: улар воқеликнинг фантастик тасвири ва орзу-умидларнинг бадиий ифодасидир. Масалан, қадимги Юнон мифлари – Антей, Икар, Дедал ва Прометей тўғрисидаги мифларда яратилган образларда халқнинг орзу-умидлари афсонавий қобикқа ўраб берилган. қадимги ўрта Осиё, Эрон ва Арабистонда яратилган Каюмарс, Жамшид, Митра ва бошқа мифологик образлар жуда машҳурдир. «Шоҳнома», «Хамса» ҳамда ўзбек халқ анъанавий дostonларида яратилган девлар, алвасти ва парилар ҳам асотирий образларга мисол бўла олади.

2. Адабий турлар ва жанрлар тақозосига кўра бадиий образларнинг қуйидаги хиллари мавжуд: лирик, эпик ва драматик образлар. Лирик шеърларнинг қаҳрамонлари лирик образ ёки лирик қаҳрамон деб юритилади. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеърининг бош қаҳрамони шоирнинг ўзидир, яъни шоирнинг ўзи лирик образдир. Эпик асарлар, яъни романлар, қиссалар ва эропеяларнинг қаҳрамонлари эпик образлар деб юритилади. Сабаби, ушбу

асарлардаги образлар ҳаётни кенг эпик планда ифодалаганлиги учун ҳам эпик образлар саналади. Драматик сахна асарларининг қаҳрамонлари драматик образлар дейилади. Бундан ташқари, фожиавий қисматга эга бўлган образлар ҳам борки, булар трагик фожиавий образлар деб юритилади. Бунга М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асаридаги Улуғбек образини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

3. Асар тўқимасидаги тутган ўрнига кўра образларнинг хиллари. Йирик ҳажмли асарларда (эпик, драматик) бош ва ёрдамчи образлар бўлади. Асар воқеаларининг марказида туриб, сюжетни ҳаракатга келтирадиган, ёзувчи ифодаламоқчи бўлган асосий ғояни ўзида ташийдиган шахслар бош образ ёки қаҳрамон деб аталади. «Чўпон йигит Широқ» афсонасида бош қаҳрамон Широқдир. Ушбу образ орқали она юртининг тинчлиги учун ўз жонидан воз кеча оладиган инсон образи ифодаланган. Шуниси ҳам борки, баъзан асарнинг марказида қарийб баробар аҳамиятга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ образлар туради. Масалан, А.қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасида етакчи ўринда Саида ва қаландаров образлари туради. Булар – асосий образлар ёки

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Қ. ва бошқалар. Ўқиш китоби: 2-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 192 б.
2. Абдуллаева Қ., Раҳмонбекова С. 2-синфда ўқиш дарслари: Ўқитувчилар учун методик қўлланма – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 128 б.
3. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. –Т.: Фан, 1991. – 384 б.
4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари: Услубий қўлланма. – Т., 2001. – 75 б.
5. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 560 б.
6. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Т.: Фан, 1992. – 105 б.
7. Горький М. Адабиёт ҳақида: Адабий танқидий мақолалар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1962. – 352 б.
8. Жумабоев М. Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.
9. Жумабоев М. Ўзбек болалар адабиёти. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 242 б.
10. Иброҳимова З. Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 120 б.
11. Каримов Ҳ. Тарихий шахс ва бадиий образ: Филол.фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1999. – 26 б.
12. Матжон С. Китоб ўқишни биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 144 б.
13. Матжон С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 208 б.
14. Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 332 б.
15. Тўйчиев А. Ўзбек насрида жаҳид образи талқини: Филол.фанлари номзоди ... дисс.авторреф. – Т., 2001. – 26 б.
16. Умарова М., Ҳақимова Ш. Ўқиш китоби: 3-синф учун дарслик. – Т.: Ижод дунёси, 2002. – 240 б.
17. Умарова М. Учтинчи синфда ўқиш дарслари: Ўқитувчилар учун услубий қўлланма. – Т.: Ижод дунёси, 2004. – 128 б.

18. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 272 б.
19. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: «ЎАЖБНТ» маркази, 2003. - 362 б.
20. Шожалилов А. ва бошқалар. Ўқиш китоби: 4-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 336 б.
21. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973. – 170 б.
22. Шукуров Н. ва бошқалар, Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 234 б.
23. Юсупов М. Ўқиш ва ёзув дарслари самарадорлигини ошириш: Бошланғич синф ўқитувчилари учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 120 б.
24. Юсупов М. Бошланғич синф ўқиш дарсларининг ўзига хос хусусиятлари. – Т., 1992. – 126 б.
25. Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи: Филол. фанлари номзоди ... дисс.автореф. – Т., 1999. – 26 б.
26. Қосимова К. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 215 б.
27. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш: Дарслик. – Андижон: Ҳаёт, 2002. – 210 б.
28. қурбонбоев И. 90-йиллар шеърлятида образлилик: Филол. фанлари номзоди ... дисс.автореф. – Т., 2005. – 24 б.
29. Ғаффарова Т. ва бошқалар. Ўқиш китоби: 1-синф учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2003. – 128 б.
30. Ғаффарова Т., Нуриллаева Ш., Ҳайдарова О. Бошланғич синфлар учун она тили ва ўқишдан дидактик материаллар. – Т.: Илм зиё, - 2004. – 80 б.
31. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – 300 б.
32. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 368 б.